Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 27 (7. 116) ◉ 1990 йил 2 февраль, жума ◉ Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVIII съезди олдидан

Янги рубрика:

«Партияни янгилаш»

Мунозарага таклиф этамиз

Партиянинг жамиятдаги, биз тузаётган ҳуқуқий давлатдаги ўрни қандай? КПССнинг авангардлик ролини қандай қилиб тиклаш, мустаҳкамлаш керак? КПССнинг янги Устави қандай бўлиши лозим? Бугунги кунда ушбу ва бошқа масалалар жамиятимизда кенг муҳокама этилмоқда.

Шу йил 5—6 февралда ўтказилиши мўлжалланган КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бу саволларнинг кўпига жавоб бериши мумкин. Маълумки, унда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига дастури кўриб чиқилади.

Айни пайтда бизнинг фикримизча, тўпланиб қолган муаммоларни биргаликда таҳлил этиш талаб этилмоқда. Шу мақсадда «Оқшом» редакцияси «Партияни янгилаш» янги рубрикасини очмоқда. Биз коммунистлар ва партиясизларнинг КПССни қайта қуриш масалалари бўйича ошкора фикрларини эшитмоқчимиз.

Бугун газетанинг 2—3-саҳифаларида мунозара тариқасида В. Дмитриев ва С. Никулинларнинг «Партияни янгилаш. Партия ташкилотлари томон ўгирилиш» мақоласини эълон қилмоқдамиз. Унда кўтарилган муаммолар хусусидаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

Янгиликлар Воқеалар Хушхабарлар

Муносиб ҳисса

⊙ **ТОШКЕНТДАГИ 9-шина ремонти заводида коллектив учун ўзаро социалистик мусобақа ютуқларга омил бўлмоқда.** Меҳнат беллашувида эса Т. Аъзамов етакчилик қилаётган бригада пешқадамлик қилаётир.

Иши билан сўзи бир азамат ремонтчилар шу кунларда кувончли натижаларга эришишаяпти. Кунлик топшириқ — 580 та шина ўрнига 650 тадан автомобиллар учун зарур шиналар таъмирлаш.

Коллективнинг Р. Зверев, Ф. Гиёсов, Н. Ким каби аъзолари бригаданинг умумий ютуғига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Д. ОБЛАЕВ.

Юқори кўрсаткич

⊙ **БУ ЦЕХНИНГ номи «Ҳурмат тахтаси»га доимий ёзиб қўйилган.** Чиндан ҳам Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводида ремонт-механика цехи коллективи доим ҳурмат билан тилга олинади.

Цехнинг ремонтчилари баракали меҳнат қилиб завод бўйича ўтказилган ўзаро беллашувда юқори кўрсаткичга эришди.

Шу нарса қувончлики, цехда рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати кенг йўлга қўйилган. Айниқса Р. Игнатьев, И. Софин, И. Сотников ва цехнинг бошқа новаторлари изланишлари диққатга сазовордир.

Умуман ўтган йили 150 дан ортиқ рационализаторлик таклифи тушди. Шулардан 125 га яқини ишлаб чиқаришга жорий этилди. Ана шу техника ижодкорлиги туфайли корхона 100 минг сўмликдан ортиқ иқтисодий фойда кўрди.

Д. МУРОДОВ.

Шартнома тузилди

⊙ **ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинати йилига 500 жойга шартнома асосида маҳсулот етказиб беради.** Яқинда корхона Франциянинг «Поликотон» ва Совет — Австрия ҳамкорлигидаги «Интермикро» фирмалари билан шартнома тузди. Тўқимачилик корхонаси ҳар иккала фирмага йигирув машиналаридан чиқаётган чиқитни етказиб беради. «Поликотон» фирмаси чиқитнинг ҳар бир тоннаси учун валюта ҳисобида тўлайди. Бу пулларга корхона хорижда тайёрланган тўқимачилик ускуналарини сотиб олади. «Интермикро» эса тўқимачиларни электрон-техника билан таъминлайди.

Б. ОРИПОВ.


Самолётсозлар шанбалиги

⊙ **БИР НЕЧА йиллардан бери В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи февраль ойининг иккинчи ҳафтасида Тинчлик вахтасини ўтказишни анъана қилиб олган.** Ўтган йили ана шундай ватанпарварлик ҳаракати—умумкорхона шанбалиги натижасида тинчлик фондига 70.600 сўм маблағ ўтказилди.

Шу кунларда бирлашма меҳнат коллективи кенгаши жамоатчилик комиссиясининг 19 февраль куни тинчлик вахтасини ўтказиш ҳақидаги ташаббусини кўриб чиқди.

— Корхонада бўлиб ўтган касаба союз конференцияси бу ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлади, — дейди авиабирлашма касаба союз комитетининг раиси Р. И. Абдураззоқов. — Конференция қатнашчилари бирлашманинг барча цех ва бўлинмаларига бу ҳаракатда фаол қатнашиш, февраль ойининг иккинчи ҳафтасида махсус шанбаликка чиқиш таклифи билан мурожаат қилишди. Меҳнат байрамида тушган маблағнинг 50 фоизи Совет тинчлик фондига, қолганлари эса завод ветеранлар ташкилоти ҳамда оталиқдаги 30-болалар интернати ҳисобига ўтказилади.

М. АВЕРИН.



✦ Баҳодир ЖУРАБОЕВ — 14-Саноат сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод

18 февраль — Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлари депутатлигига сайловлар куни

«Эл ғами билан яшаймиз»

Уларнинг ўхшашлик томонлари жуда кўп. Бир касбда ишлашади. Шофёрлик қилишади. Ёшлари ҳам унчалик фарқ қилмайди. Икковлари ҳам КПСС аъзоси. Баҳодир Жўрабоев — шаҳримиздаги 2515-автоколонна ҳайдовчиси, Саъдулла Турсунов эса 2-автокомбинат ҳайдовчиси. Уларнинг ҳар иккаласига ҳам сайловчилар катта ишонч билдиришган. Ҳозир номзодлар сайловчилар ҳузурида тез-тез бўлишиб, уларни ўз дастуриламаллари билан таништирмоқдалар.



✦ Саъдулла ТУРСУНОВ — 11-сайлов округидан шаҳар Совети депутатлигига номзод

— Автоколоннамизда 550 та одам ишлайди, — дейди Б. Жўрабоев. — Бир неча йилдан бери шаҳар Советининг депутати сифатида уларнинг дарди ва ташвишлари билан яшаб келаман. Бугунги кунда кимгадир уй-жой олишида ёрдамим теккани, яна бировга телефон тушириб беришда жонкуярлик қилганим, бир неча кўчаларни асфальтлаш ишида фаол қатнашганимни эслаб қувонаман. Демак, одамларга қилинган бирон бир яхшилик ҳеч қачон зое кетмас эканки, коллектив менинг номзодимни жумҳурият-тимизнинг Олий органига кўрсатиб турибди.

Дастуримнинг асосий мағзи ҳам инсон тўғрисида ғамхўрлик қилиш, юрт-эл фаровонлиги йўлида хизмат қилишдан иборат. Шундай экан, озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш ишига ўз ҳиссамни қўшаман. Кичкинтойларимиз учун кўплаб замонавий боғчалар, ўқувчиларимиз учун эса шинам мактаблар қурилиши тарафдориман. Табиатни муҳофаза қилиш, уй-жой таъминоти, маиший хизматни яхшилаш масалалари ҳам эътиборимдан четда қолмаган.

— Ҳар ким қайта қуришни ўзидан бошлаши керак, деган гапда жон бор, — дейди С. Турсунов. — Агар ҳар биримиз шу сўзга амал қилсак, ишончим комилки, жамиятимиздаги юлғичлик, ишсизлик, адолатсизлик, манманлик каби жамиқи ёмон иллатлар барҳам топган, халқимиз турмуш шароити эса ҳозиргидан ўн чандон яхшиланган бўлур эди. Узоққа бориб нима қилай, мана ўзимиздан қиёс. Автокомбинатимизда 300 га яқин одам ишлайди. Яширмайман, ичимизда тер тўкиб ҳалол ишлайдиганлар ҳам, киссасидаги кечаги бир сўмни икки сўм қилиш пайида юрганлар ҳам бор. Агар ҳаммамиз юқоридаги сўзга амал қилганимизда эди, ҳалоллик биз учун ягона мезон бўлиб қоларди.

Дастуримнинг кўпчилик қисмини юрт-эл фаровонлигига бағишлаганимнинг асосий мағзи ҳам мана шунда. Албатта, фаровончилик ўз-ўзидан бўлмайди. Ҳар биримиз виждонан ишласакгина бу иш амалга ошади.

Ўзим ҳайдовчи бўлганим учунми билмайман, ҳар қалай шу касбда ишловчилар учун қулайлик яратишга ҳисса қўшиш ниятидаман. Ахир шаҳри азим Тошкентимиз йўлларига бир назар ташланг. Ўнқир-чўнқир кўчалардан ҳайдовчилар машиналарини юрак ҳовучлаб бошқаришади. Мақсадим, ўша кўчаларни тартибга келтириш ишига ҳисса қўшиш. Дастуримда яна бошқа бир қанча тадбирлар ҳам ўрин олган.

Уларнинг фикрига қўшимча қилиб яна шуларни айтиш мумкин. Номзодларнинг ҳар иккиси ҳам бир неча бор шаҳар ва район Советларига депутат бўлиб сайланган тажрибали, эл-юрт хизматига астойдил бел боғлайдиган инсонлар. Улар билан суҳбат, ҳамкасблар ва сайловчилар фикри ҳам шундан далолат бериб турибди.

М. КОМИЛЖОНОВ.

Тонгги газеталарда

⊙ **31 январь куни АҚШ президенти Ж. Буш М. С. Горбачевга қўнғироқ қилди. Халқаро вазият, асосан Европадаги вазиятнинг долзарб муаммолари юзасидан ва қурол-яроғларни қисқартириш борасидаги музокараларнинг истиқболлари тўғрисида фикрлашиб олишди, деб хабар берилади ТАСС ахборотида.**

⊙ **М. С. Горбачевнинг 31 январь куни яқинда Бразилиянинг президенти этиб сайланган ва шу йилнинг март ойида ана шу лавозимга расмий равишда ўтказиладиган Ф. Коллор билан бўлган учрашуви ҳақида расмий хабар эълон қилинган.**

⊙ **«Ленинизм ва қайта қуриш» сарлавҳаси остида «Правда» газетасида КПСС Марказий Комитети Идеология комиссиясининг 26 январь куни бўлган мажлиси ҳақида ҳисобот берилган.**

Ишлаб чиқаришга тайёр

Тошкент «Подъёмник» заводида тайёрланган кўприк кранларининг тажриба намуналари синовдан ўтказиб бўлинди. Корхонанинг ускуналар ўрнатилаётган механика цехи ана шу кранлар учун тажриба майдонига айланди. Кўприк кранларни интиҳондан яхши ўтди.

10 тонна юк кўтара оладиган магнитли кран авваллариқараганда янада пишиқроқ конструкцияси ҳамда уч баравар кучли магнити билан ажралиб туради. Кранининг иккинчи тажриба нусхаси турли-туман ишларни бажаришн мумкин: металл қиринди-лари, темир-терсак «ташиши», тайёр қурилмаларни, зарур бўлган тақдирда магнитни грейферга алмаштирган ҳолда сочиладиган материалларни ташиши мумкин. У беш тонна юк кўтаради.

«Подъёмник» заводи бу янгиликларни шу йилда саноат ишлаб чиқаришига ўтказади.

Уй-жой қурилиши—«Оқшом» назоратида

«БУ ГАП ЎРТАМИЗДА ҚОЛСИН...»

◆ Пойтахтнинг Акмал Икромов районида ҳамшаҳарларимизнинг ўз бағрига олаётган турар жой бинолари кўзни қувонтиради. Шу йилнинг биринчи кварталида бу ерда турар жой бинолари сафи яна биттага кўпаяди: 157 квартирадан иборат, тўққиз қаватли қўш уйнинг монтаж ишлари ниҳоясига етади.

24-турар жой кварталида — «Ватан» кинотеатрининг ёнғинасида бунёд этилаётган бу бино фойдаланишга топширилса, нафақат унда истиқомат қилувчилар, балки яқин-атрофдаги уйларда яшовчилар ҳам бахраманд бўлишади. Негаки, бинонинг биринчи қаватида фотоаппарат, соат, пойабзал, радио-телевизор ремонт қилиш устахоналари, прокат, кийим ювиш ва кимёвий тозалаш пунктлари, филателия ҳамда милиция таянч пункти жойлашади.

Сатҳи 9645 квадрат метрни ташкил этувчи бу қурилиш майдонида бўлганимизда 2-уйсозлик комбинати тасарруфидаги 4-қурилиш бошқармасининг кўп қаватли уй қуришга ихтисослашган, 22 кишидан иборат иккита бригадаси азаматлари зўр шижоат билан ишлашарди: бир томонда машинадан туширилаётган қоришмани қабул қилиб, текислашяпти, иккинчи томонда бетон плиталарни бир-бирига пайванд қилишяпти, деворларда қоришма қуйишга жой тайёрлашяпти...

— Бизда ўзбек, тожик, рус, татар, грек, қозоқ миллати вакиллари бир оила фарзандларидек меҳнат қилишмоқда, — дейди қурилиш прораби Ибодулла Нурлибоев. — Бригада аъзолари ҳамжиҳат бўлишмаса, ишда унум бўлмайди. Бу — айниқса, комплекс бригада усулида ишлаётганлар учун жуда катта аҳамиятга эга.

Иш унумдорлигининг ошишида, айниқса бригада бошлиқлари И. Макшанов ва Л. Мавридилар, шунингдек монтажчи Л. Мойсядис, электр пайвандчилар В. Аксёнов, Э. Хўжаҳмедов, В. Соломахинлар ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда. Бригадалар бинокорларининг шижоатли, зарбдор меҳнати туфайли қурилиш суръати ой сайин 105—110 фоизга уддаланяпти.

Қурувчиларнинг иш вақтидан унумли фойдаланишлари учун ҳар ойда мунтазам равишда уларни гўшт, қанд, кир ювиш порошоклари сингари танқис озиқ-овқат ва саноат моллари билан бевосита иш жойининг ўзида таъминлаб турилади. Ҳар сешанба кунлари ўтказилаётган сиёсий машғулотлар эса ишчиларимизга янгиликлардан ўз вақтида воқиф бўлиб туриш имконини беради.

— Ибодулла, ушбу қурилишни қачон бошлагансизлар ва тугаллаш муддати қачонга белгиланган?

— Қурилиш ўтган йил май ойида бошланди. Шу йилнинг биринчи кварталида монтаж ишлари тугайди.

— Аслида қурилиш муддати шундай режалаштирилганмиди? Ёки оширилган мажбурият қабул қилиб, биринчи кварталда топширмоқчимисизлар?

— Биринчи кварталда албатта топширамиз.

— Тушунтиролмадим, шекилли. Ушбу объектни топшириш план бўйича қачонга мўлжалланган?

— Тушунаяпман... — ер чизди прораб. — Май ойида бошлаб, йил охиригача топширишимиз лозим эди. Бироқ, қурилиш майдонини тайёрлаш учун кўп вақт кетди...

— Очиқроқ гапирсангиз?

— Қурилиш бошланадиган майдонда «Тир» турган эди. Дов-дарахтлар ҳам бор эди. Уларни олдириш учун район ижроия қўмитасининг ободонлаштириш бошқармасидан рухсат олиш учун кўп овора бўлдик...

— Демак, шу сабабларга кўра қурилишни бошлаш муддати чўзилиб кетган, шундайми?

Суҳбат давомида прорабнинг нимадандир (балки кимдандир) ҳайиқиб, фикрини очиқ айтолмаётгани сезилиб турарди!

— Қурилиш муддатида битмаганлигининг туб сабабини айтмасам бўлмайдиганга ўхшайди... — ниҳоят «ёрилди» прораб, — бироқ бу гап ўртамизда қолсин. Сабаби, сиз ёзасиз-да кетасиз, биз эса... Таъминотчимиз — 2-уйсозлик комбинати қурилиш материалларини ўз вақтида етказиб бермаяпти. Уларнинг «ҳиммати» билан қурилиш объектига ажратилган маблағнинг 100 минг сўмликдан сал знёдроғини ишлатдик, холос... Биз 2-уйсозлик комбинати ва унинг тасарруфидаги 4-қурилиш бошқармаси раҳбарларидан қанча қурилиш материали кам етказиб берганлигини, бунинг ойма-ой ҳисобини ҳам олмадик. Ахир, шундоқ ҳам бу «жумбоқ» топилди-ку! Аммо битта нарса номаълумлигича қолмоқда: таъминотчига тобе бўлиш ва бу иш суръатига ғов бўлиши қачонгача давом этаркан?!

Х. ЖУМАНАЗАРОВ, СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

МИЛЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

1 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти ҳузурида ташкил этилган миллатлараро муносабатлар ва байналмилал тарбия масалалари республика комиссиясининг йиғилиши тугади. Ушбу комиссия аъзолари — файласуфлар ва сиёсатшунослар, социологлар ва ҳуқуқшунослар, халқ ҳўжалиги турли тармоқларининг мутахассислари ўтган йилда қилинган ишларга якун ясашди.

Партиянинг миллий муаммоларни ҳал этиш борасидаги сиёсатини тарғиб қилиш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мазкур программани рўёбга чиқаришга доир амалий тадбирларини атрофлича тушунтириш, бу ишга одамларни фаол сафарбар этиш ҳисобот даврида комиссия ишининг асосий йўналиши бўлганлиги таъкидланди.

Йиллик йиғилиш қатнашчилари мунозара клублари ва халқ дорилфунунларининг миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш ва байналмилал тарбия борасидаги лекцияларининг янги мавзуларини тасдиқладилар, республикамизда ва мамлакатимизда бўладиган партия съездлари олдидан лекциялар ўқиш тадбирларининг аниқ-равшан режаларини ишлаб чиқдилар.

(ЎзТАГ).

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ, МЕҲНАТ, МАҲАЛЛА КОМИТЕТЛАРИ ВЕТЕРАНЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИГА

мурожаати

Қадрли ҳамшаҳарлар! Азиз ватандошлар! Бугун биз сизларга айтмоқчи бўлганимиз — турмушимизнинг маданияти тўғрисидадир. Қаранг, шаҳар кўчаларида ўзимизни қандай тутамиз: қўлимиздаги қоғоз ва папирос қолдиқларини, трамвай ва троллейбус абонементларини ҳар жойга ташлаб кетаверамиз. Дарахтларнинг тагига ёки ариқларга аҳлат тўкамиз. Зинапоя майдончаларига эса эски, кераксиз лаш-лушларни уюб ташлаймиз. «Яшил тўсиқ» ва дарахтларни синдираётган, уйларнинг деворларига ҳар хил расмлар чизаётган ўсмирларни кўрса ҳам хотиржамгина ўтиб кетаверадиганлар оримизда кўп.

Тошкентни ободонлаштириш мақсадида муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Булар умумий куч-ғайрат сарфлаб етилган муаммолар, жумладан экология, микрорайонларни комплекс қуриш, кўкаламзорлаштириш, суғориш муаммоларини ҳал этиш йўлларини очиб берди.

Халқимизда «Бир туп дарахт эксанг, юз йил умр кўрасан» деган нақл бежиз айтилмаган. Аммо кўчатни ўтказишнинг ўзигина камлик қилади. Уни асраб-авайлаб ўстира билиш ҳам керак.

Бугунги кунда кишилар дунёда фақат бир-бири билангина эмас, балки атроф-муҳит билан ҳам яшашни ўрганмоқдалар. Бироқ шаҳар экологияси ҳозирги вақтда қониқарсиз аҳволда. Уни яхшилаш мумкин. Биринчи навбатда ҳовлиларимиздаги аҳлат уюмларини йўқотишимиз зарур. Маблағлар етишмаслиги ва техника билан таъминлаш ёмон аҳволда бўлганлиги учун биргина ободончилар бу вазифани уддалашга қодир эмаслар.

Шунинг учун ҳамшаҳарларимизни шаҳарни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш шанбаликларида, ойликларида фаол қатнашишга даъват этамиз. Ўз турар жойларини ободонлаштириш, кўчатлар ўтказиш, ҳовлилардаги ва унга туташган кўчалардаги суғориш тармоқларини тозалашдек маҳалла аҳлларининг яхши анъанасини қайта тиклаш зарур.

Шаҳримизни кўкаламзорлаштирайлик, унинг кўчалари, майдонлари, анҳорларини озода тутайлик.

Уруш ва меҳнат ветеранлари шаҳар кенгаши.

Маҳалла комитетлари ишини мувофиқлаштирувчи ўшаҳар кенгаши.

Мевали ва манзарали дарахт кўчатларини олиш учун тошкентликлар «Тошкент гуллари» фирма-магазинига мурожаат қилишлари мумкин.

Фирма телефонлари: 44-56-40, 44-35-00.

Ахлатни олиб чиқиб кетиш муаммосини ҳал қилиш учун «Спецтранс» диспетчерлик бошқармасига қўнғироқ қилиш мумкин. Телефонлар: 90-65-31, 90-66-39.

Тошкентда «Ҳиндистон» кўчалари

Энди Тошкент кўчаларидан бири ҳинд халқининг шонли фарзанди Жавоҳарлал Неру номи билан аталади. Тошкент шаҳар ижроия комитети икки шонли сана — Ҳиндистон Республика деб эълон қилинган кунининг 40 йиллиги ва Ж. Неру туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан шу қарорни қабул қилди.

Ҳиндистон билан маданий анъаналарда кўпгина муштарак жиҳатларга эга бўлган ўзбек халқи дўст мамлакатга чуқур ҳурмат билан қарайди. Бу эса халқаро фестивраллар, минтақаларо учрашувлар ўтказишда ва қўшма корхоналар ташкил этишдагина эмас, қўйилаётган номларда ҳам ўз аксини топди. Тошкентда Шастри номли кўча бор, маданият саройларидан бири, Ҳиндистон тарихи музейи, ҳинд ва урду тилларини чуқур ўргатадиган мактаб Индира Ганди номи билан аталади.

Авиабанк ишга тушди

Республикамизда ишлаб турган тўртта савдо-сотиқ банки ёнига яна битта — авиация банки қўшилди. Унн Граждан авиациясининг Ўзбекистон бошқармаси, республика Молия министрлиги, «Ташметрострой» трести, бошқа ташкилотлар таъсис этишди.

— Банкнинг мақсади пайчиларнинг ихтисослашган банкларда сақланаётган бўш пул маблағларини бир ерга жамлаш, кўп босқичли банк системасини тугатиш, уни маҳаллийлаштириш, мижозлар билан бевосита ишлаш имкониятини яратишдир, — дейди авиабанк ҳайъатининг раиси Х. И. Ҳўжаев ЎзТАГ мухбирига.

Авиабанк билан Граждан авиацияси бошқармаси Тошкентда ташкил этилаётган шарқ мамлакатлари билан амалий ҳамкорлик уюшмасининг таъсисчиларидан бири бўлишга ва ушбу уюшма учун самолётлар сотиб олишга маблағ беришга қарор қилдилар.

Банк ўз пайчиларига бир қанча енгилликлар яратади. Бу узоқ муддатга бериладиган қарзлар, валютани биринчи навбатда олиш ҳуқуқи, қўйилган маблағлардан юқори ҳақ олиш имкониятидир. Банк авиация ривожланишига алоқадор вазифалардан ташқари, хўжалик фаолиятини жонлантиришга муҳтож бўлган корхоналарни маблағ билан таъминлайди, илғор технологияларни яратишда, инқироз арафасида турган корхоналарни ижарага олиш ва уларни «жонлантиришда» ёрдам беради.

Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Банк Ўрта Чирчиқ районидаги Партия XXVI съезди номли паррандачилик фабрикаси билан янги органик ўғит — биологик чиринди ишлаб чиқарадиган қўшма корхона очиш ҳақида шартнома тузди. Гарчи ҳали бу ўғитни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган бўлсада, фақат тажриба намуналаригина бор, Хитой ва Иордания бизнесменлари янгиликка қизиқиш билдиришмоқда. Авиабанк кўмагида ушбу мамлакатларга янги органик ўғит етказиб бериш тўғрисида режалаштирилган ҳужжатлар имзоланди.

Мамлакатимиздаги ҳар қандай давлат корхонаси ва ташкилотлари авиабанкнинг пайчиларн бўлиши мумкин.

КПСС XXVIII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН


ПАРТИЯНИ ЯНГИЛАШ. ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОН ЎГИРИЛИШ

БУГУНГИ кунда партиямиз оғир ва масъулиятли даврни бошидан кечирмоқда. Қайта қуриш мафкураси, буни амалга оширишнинг аниқ йўл-йўриқлари, ҳозирги халқ хўжалик вазифалари, ижтимоий муносабатларнинг характерлари ва кўринишлари партиянинг ўзида туб демократик ўзгаришларни тезлик билан амалга оширишни қатъий қилиб ўртага қўймоқда.

Ўзимизни «авангард», илғор отряд деб аташнинг ўзи камлик қилади, — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин. — **Шундай ҳаракат қилиш керакки, бошқа ҳамма отрядлар биз олдинда бораётганлигимизни кўрсинлар ва буни тан олишга мажбур бўлсинлар.**

Ҳозир масаланинг ана шундай қўйилиши ғоят долзарбдир. Зеро, чинакамига демократик ташкилот сифатида туғилган партия ўз тараққиёти жараёнида умуман бутун жамиятимиз каби жиддий ўзгаришларга дучор бўлди.

В. И. Ленин ҳаётлигида партияга хос бўлган партиявий бирдарлик, ҳамма ишларни биргаликда кўриб чиқиш, амалий мулоқот, сиёсий баҳслар, турли нуқтаи назарларнинг соғлом мусобақаси, қуйи партия бўғинлари фикрига диққат билан муносабатда бўлиш аста-секин бюрократик ҳокимиятнинг якка ҳокимлиги, раҳбарликнинг маъмурий буйруқбозлик, баъзан эса мутлақ мавҳумлар, ўз бюджетлари, штат рўйхатлари, аппарат структураларини шакллантириш, бўш маблағлардан ўз истакларича фойдаланиш имкониятига эга эмаслар.



Сиёсий ва ташкилотчилик ишлари марказини қуйи партия ташкилотларига (яъни партия бутун фаолияти пирамидасининг асосига) кўчиришга даъват ҳозир молиявий маблағларнинг оёғи осмондаги ҳолдек мавжуд системасига зид келиб қолди. Бу системада молиявий маблағлар пастдан тепага қудратли оқим сифатида оқиб, пастга эса кичкина ирмоқлар сифатида қайтади (1-схемага қаранг).

Узингиз бир мушоҳада қилиб кўринг. Мисол учун Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан энг йирикларидан бири — Ленин район партия ташкилотини олиб кўрайлик. Бу ерда партиявий бадалларнинг йиллик миқдори 1, 2 миллион сўмни ташкил этади. Лекин область партия комитети томонидан райкомга белгиланган сарф-харажатлар системаси бу миқдорнинг атиги 22 процентини ташкил этади. Қатъий илтимослар, кўпдан-кўп ёзма ва оғзаки мурожаатлар натижасида ундирилган қўшимча маблағлар қўшиб ҳисобланганда ҳам бу кўрсаткич 25 фоизга аранг етади. Смета билан юзаки танишиб чиқишнинг ўзиёқ бундай йўл тутишнинг адолатсиз эканлигини кўрсатади. Масалан, йирик район партия комитетига пленумлар ва кенгашлар ўтказиш учун йилига атиги 150 сўм ажратилади. Бунга нима қилиш мумкин? Область партия комитети ҳатто район партия конференциясини ўтказишга бор-йўғи 1 минг сўм ажратди. Ахир бу маблағлар ана шундай муҳим анжуманларни ўтказиш учун керак бўлган сарф-харажатларга асослаб бўладими? 300 тадан кўпроқ бошланғич партия ташкилоти, парткоми бўлган район партия ташкилотига адабиёт ва кўргазмали қуроллар харид қилиш учун 2 минг 500 сўмдан камроқ маблағ ажратилади. Райком командировка сарф-харажатлари учун ўз маблағларига эга эмас. Шаҳарлараро телефон сўзлашувлари учун эса йилига 60 сўм ажратилган. Бу амалда район партия комитети республика ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги илғор тажрибаларни ўрганиш учун реал имкониятга эга эмас, деган маънони беради. Район партия комитети коммунистларга ёрдам кўрсатиши учун ажратилган фонд йилига 950 сўмни ташкил этади. Ҳолбуки, район партия ташкилоти ҳисобида қариб 15 минг коммунист туради. Бундай аҳволда мураккаб турмуш шароитига дучор бўлган партия аъзоси партия комитетининг ёрдамига кўз тутиши мумкинми? Иқтисодий асос бўлмаган ҳолда жумладан, партия ветеранларига реал ёрдам кўрсатиш тўғрисида гап бўлиши мумкинми?

Бундан ташқари ҳозир мавжуд бўлган шароитларда райком белгиланган сметадан ташқарига чиқиш у ёқда турсин зарур бўлиб қолса, бу сметадаги сарф-харажатларнинг бир моддасидан бошқасига ўз ҳолича маблағларни ўтказиш ҳуқуқига ҳам эга эмас. Район партия комитетининг сарф-харажатлари фақат ўтган йилги даражадан келиб чиққан ҳолда режалаштирилишини нормал ҳол деб бўладими? Ахир бунда райком қандай ишлашидан қатъий назар бу ажратиладиган маблағ миқдорига асло таъсир кўрсатмайди.

Ёки мисол учун ўз сафларида 108,5 минг коммунисти бўлган ва область партия ташкилотида ҳам, республика партия ташкилотида ҳам салмоқли ўрин эгаллаб турган Тошкент шаҳар партия ташкилотини олайлик. Бу ерда ҳам худди шундай аҳвол вужудга келган. Шаҳар партия комитетининг, коммунистларнинг ана шундай йирик отряди раҳбар органининг ўз бюджети шаклланишига ҳеч қандай таъсири йўқ, кадрлар масалаларини ҳал этишда, янги штатлар жадвалини ташкил этиш ва мавжудларидан фойдаланишда, қатор бошқа ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этишда етарли даражада мустақилликка эга эмас. Пленумлар, фаоллар йиғилишлари ва кенгашларни ўтказиш учун юқори органлар томонидан атиги 400 сўм ажратилади, командировка фонди 2 минг сўмни ташкил этади. Энг оддий ташкилий-техника восита-лари, замонавий электрон-ҳисоблаш ва нусха кўпайтириш техникаси йўқ, иш жойларини нормал жиҳозлаш, ёзув-чизув қуроллари билан таъминлашда танг аҳвол вужудга келган. Мақола ҳажми кети кўринмайдиган ана шундай масалаларни рўй-рост очиб ташлаш имконини бермайди, уларни ҳал этишга юқори органлар, КПСС Марказий Комитети қодир, холос. Айни вақтда бундай аҳвол ўзи шундай бўлиши керакдек, ҳеч қарама-қаршиликсиз қабул қилинади. Аслини олганда шу вақтга қадар ҳали бирорта ҳам раҳбар партия органи (пленумлар, район ва шаҳар партия комитетларининг бюролари) партиянинг пул маблағларини ким, қандай қилиб, қандай принциплар бўйича, қандай объектив мезонларга асосланиб, партия ташкилотлари ўртасида тақсимланади, деган саволни ўртага қўйгани йўқ.

Партияда бугунги кундаги мавжуд молиявий муносабатларнинг туб моҳиятига кириб борар экансиз, юқори партия комитетларининг якка ҳокимлиги, монополизми шу қадар ҳаддидан ошганлигига ва очиқ-ойдинлигига ишонч ҳосил қиласиз, бу давримизга хос демократик жараёнларга ошкора қарама-қаршилиги билан ҳайратга соладди. Молиявий мустақилликнинг йўқлиги, коммунистларнинг маблағларни тақсимлашда иштирок этишидан, ўз сарф-харажатларининг таркиби ва характерига таъсир этиш имкониятидан четлатиб қўйилганлиги, молиявий маблағларни кўпайтириш учун шарт-шароитларнинг яратилиши ташаббускорликни илдизидан қирқади, боқимандаликни, айрим ҳолларда партия комитетларининг бориб етган уқувсизлигини келтириб чиқаради.

Фаолликка, сайланма органларнинг ишида партияни демократиялашда қизиқиш билан иштирок этишга бўлган даъватлар, агарда коммунистлар ўзлари тўлаётган аъзолик бадаллари қандай қилиб, қай тарзда юқори партия органлари (район партия комитети — шаҳар партия комитети— область партия комитети — республика Компартияси Марказий Комитети — КПСС Марказий Комитети ўртасида тақсимланишини, улар ана шу бадалларни қандай қилиб, нималарга сарфланишини билмасалар қуруқ даъватлар бўлиб қолаверади. Агарда улар зарур техника ҳодими ставкаси ажратилиши учун қатор йиллар мобайнида КПСС Марказий Комитетигача илтимос қилиб бориш керак, деган саволга жавоб топилмасалар шундай бўлиб қолаверади. Ёки ўзларига ажратилган маблағларнинг арзимаган қисмини ҳам ўз билгиларича нима учун сарфлай олмасликларини билмасалар шундай бўлади. Бундай ўринли саволлар оз эмас, аммо молиявий муносабатларнинг ҳозирги мавжуд системасида уларга қониқарли жавобларни кутиш қийин. Шу ўринда айтиш керакки, партия ташкилотларида бўлар экансиз, партия маблағларидан қандай фойдаланилаётганлиги ҳақида ҳозирги мавжуд ахборот коммунистларнинг қизиқишини қониқтирмайди. Пухта йўлга қўйилган аниқ ахборотнинг йўқлиги эса янгидан-янги данғиллама объектларнинг, дала ҳовлиларнинг, овчилар учун мўлжалланган уйларнинг ва ҳоказоларнинг қурилиши ҳақидаги миш-мишлар билан тўлиб боради. Аммо шундай вазиятда ҳам партия комитетлари, шу жумладан КПСС Марказий Комитети аслини олганда бугунги кунда ҳам партия маблағларининг тақсимланиши ва улардан фойдаланиш ҳақида ҳисобот бермайдилар.

Бизнинг назаримизда, **партиянинг янгиланган қиёфаси молиявий муносабатларнинг мавжуд системасига асосланиши мумкин эмас.** Аҳволни янгича ёндошувлар асосида ўзгартиришнинг имкониятлари борми? Бундай имкониятлар бор, деб ҳисоблаймиз. Шу ўринда, бизнинг тасаввуримизда гап ўнлаб йиллар мавжуд бўлган системани қисман қайта ташкил этиш ҳақида эмас, унинг тўла янгиланиши ҳақида бормоқда. Шундай молиявий-хўжалик муносабатларини вужудга келтириш зарурки, ана шунда ўз фаолиятларини амалга ошириш учун партия ташкилотлари ўртасида пул маблағларини тақсимлашнинг маълум даражада объектив, бамаслаҳат аниқланадиган мезонларнинг системаси пайдо бўлар эди. Шундай система керакки, район партия ташкилоти бошланғич партия ташкилотининг озод қилинган секретари ставкасини киритиш учун, ўзига хос бошқа штат ва структура масалаларини ҳал этиш учун барча идораларга, ҳатто КПСС Марказий Комитетигача мурожаат этишга тўғри келмайдиган бўлсин.

Бу борада дастлабки қадам қўйилди, бошланғич партия ташкилотларига партия бадалларидан йиғилган маблағнинг уч фоизини ўз эҳтиёжлари учун ажратишга рухсат берилди, деб эътироз билдиришлари мумкин. Аммо ўзингиз ҳам тушунсангиз керак: бу ечимни чалакам-чатти ечим ҳам деб бўлмайди. Бу кўпроқ мавжуд система биносини янгилаб ўтирмай, у ер-бу ерни бўяб қўйишга уринишга ўхшаб кетади. Ана шу йўл билан Тошкент шаҳрининг Ленин районида-ги бошланғич партия ташкилотларида бир йилда ўртача 120 сўм қолади. Бу ўртача олганимизда! Ўртача ва кам сонли ташкилотларнинг аксариятида бундан ҳам кам — 100 сўм қолади. Ана шу маблағдан мустақил фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритган партия ташкилотини кўз олдингизга бир келтиринг. Чиндан ҳам ана шу маблағдан қандай қилиб самарали фойдаланиш учун жиддий бош қотиришга тўғри келади.

Айтмоқчи, шуни айтиш керакки, шаҳар партия ташкилотида коммунистларнинг сони 15 нафардан кам бўлган партия ташкилотлари 41, 4 фоизни, коммунистларнинг сони 50 нафардан кам бўлган партия ташкилотлари 38, 1 фоизни ташкил этиши ҳисобга олинадиган бўлса, партия ташкилотлари ихтиёрида аъзолик бадалларининг камида 50 фоизини қолдириш ҳақидаги таклифнинг таҳлили ҳам ушбу вариантнинг етарли даражада самарали эмаслигини кўрсатади.

Ана шулардан келиб чиқиб, муаллифлар **норматив асосларга қурилган молиявий ўзаро муносабатлар системасига ўтиш** ҳақидаги таклифни киритадилар. Бунда аслини олганда ўз-ўзини молиявий таъминлаш ва ўз-ўзини қоплаш элементларига ўтадиган район партия ташкилотлари, уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари, партия комитетлари асосий бўғин бўлиб қолади. Мазкур таклифнинг мазмуни шундан иборатки, банкда ўз ҳисоб счётига эга бўлган район партия ташкилотлари бадалларнинг маълум қисмини (одатда, камида ярмини) ўз ихтиёрларида қолдирадилар, қолган қисмини эса бамаслаҳат нормативлар асосида юқори партия комитетлари ўртасида тақсимлайдилар (2-схемага қаранг). Шундай қилиб, молиявий таъминлаш устқурмаси тўнтарилади, партия маблағларининг асосий манбаи бўлмиш ташкилотлар унинг бош бўғинларига айланади. Энг ноқулай шарт-шароитлардан келиб чиқиб, бутунги кун воқеликларини ҳисобга олиб, ўтказилган ҳисоб-китоблар район партия комитетларининг, партия комитетларининг партиявий фаолият вазифалари доирасида маблағлардан фойдаланиш имкониятлари (ҳозирги имкониятларга қараганда) маълум даражада кенгайишини кўрсатади. Шу муносабат билан бизнинг назаримизда бошланғич партия ташкилотларининг ҳақ оладиган секретарлари улушининг кўпайиши, ташкилий ва тарғибот ишларига харажатларнинг сезиларли даражада кенгайиши, коммунистларга ёрдам фондининг сезиларли даражада кенгайиши илғор тажрибаларни ўрганиш ва жамики эътиборга сазовор янгиликларни командировка фонди пайдо бўлганлиги ҳисобига жорий этиш, зарур техника ва жиҳозларни харид қилиш имкониятлари алоҳида эътиборга сазовордир.

Жумладан, ҳисоб-китоблар қуйидаги манзарани беради: мисол учун яна Ленин район партия ташкилотини олайлик. Район партия комитети таҳмин қилайлик, ўз ихтиёрига бадаллардан тўпланган маблағнинг 55 фоизини қолдириши мумкин, бу ҳозирги кунда 660 минг сўмни ташкил этарди. Бадаллардан тўпланган маблағнинг 10 фоизи шаҳар партия комитетининг ҳисоб счётига, 5—10 фоизи область партия комитетига, 15 фоизи — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, 10—15 фоизи КПСС Марказий Комитетига йўналтириши мумкин бўларди. Худди шундай нормативлар шаҳарнинг Куйбишев, Ҳамза, Фрунзе ва қатор бошқа партия ташкилотлари учун ҳам мақбулдир. Масалан, 8 минг нафардан зиёдроқ коммунисти бўлган Собир Раҳимов район партия ташкилоти ўз ихтиёрида бадаллардан тўпланган маблағнинг 60 фоизини қолдириши мумкин бўлар эди.

Табиийки, юқори партия комитетларига ажратмаларнинг таклиф этилаётган нормативлари шунчаки бир вариант холос, вақт ўтиши билан улар такомиллашиб бориши, ўзгариши мумкин, аммо ҳисоб-китоблар кўрсатаётганидек, маблағларнинг ушбу ҳолда кўриниб турганидек, ярмидан ошмаслиги лозим.

Олдиндан шуни таъкидлаш керакки, бюджет, норматив ажратмалар, маблағларни тақсимлаш, сметаларни, бошланғич партия ташкилотларининг озод қилинган секретарлари штат жадвалини, аппарат структурасини тузиш билан боғлиқ барча масалаларни бундай шароитда район партия комитетларининг пленумларида кўриб чиқиш ва ошкора тасдиқлаш керак. Пул маблағларидан қандай фойдаланилганлиги ҳақидаги ҳисоботлар ҳам пленумларда тингланиши зарур.

Модомики, ушбу масаланинг пленумда кўриб чиқилиши сайлаб қўйиладиган органнинг аъзолари олдида партия маблағлари қандай сарфланганлиги ҳақидаги шунчаки ҳисобот бўлиб қолмайди, коммунистларни улардан фойдаланишнинг энг мақбул йўлларини излашга реал жалб этишнинг бир кўриниши бўлиб қолади.

Эндиликда район партия комитетларига тегишли маблағлар илгари ажратиб келинган харажатлар сметасини тўла қоплаш, бундан ташқари биноларни, автотранспортни тутиш билан, техникани сотиб олиш (табиийки, катта ҳажмда) билан боғлиқ илгари область партия комитети зиммасида бўлган харажатларни ўз зиммасига олиш имконини беради.

Агар илгари коммунистларга ёрдам бериш учун Ленин район партия комитетига, ҳар йили тахминан 950 сўм ажратилган бўлса, эндиликда (энг кам ҳисоб-китобларга қараганда) ана шу мақсадларга 10 минг сўмгача ажратиш мумкин. Коммунистларнинг сони 50 нафардан кам бўлмаган бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари фаолиятига уларни асосий ишлардан озод қилиб (нисбатан салмоқли ўртача иш ҳақи даражаси ойига 300 сўмдан кам эмас) ҳақ тўлашнинг реал имкониятлари вужудга келади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, бундай ёндошув умуман шаҳар партия ташкилотидаги озод қилинган партия ташкилотлари секретарлари сонини 117 кишидан (ҳозирда ҳақ олаётган) 447 тагача етказиш, бошқача қилиб айтганда тўрт баравар кўпайтириш имконини беради.

Айни пайтда бошланғич партия ташкилотларининг секретарларига ўриндошлик йўли билан ўз корхоналари ёки ташкилотларида ишлашларига рухсат бериш имкониятини ҳам соқит қилиб бўлмайди, албатта, бу унинг асосий фаолиятига зарар етказмайдиган бўлса. Айни вақтда район партия комитети пленумда ўз аппаратурасининг тузилиши, партия ташкилотлари озод қилинган секретарларининг штати бирлигини жорий этиш ёки йиғиш, мисол учун коммунистларнинг сони 50 нафардан кам бўлган, аммо маълум хусусиятлари тақозоси билан, айтайлик, бўлинмаларнинг сочиб юборилганлиги муносабати билан озод қилинган секретарга муҳтож бошланғич партия ташкилотларига ана шундай штатларни бериш масалаларини мустақил ҳал этиши мумкин бўларди. Ўйлаймизки, масалани шу тарзда қўйиш кўпгина бошланғич партия ташкилотларининг ишини сезиларли даражада жонлантириш, ишларнинг оғирлик марказини оғизда эмас, амалда бошланғич партия ташкилотларига кўчириш имконини беради.

Бундан ташқари **сайланиб қўйиладиган партия органлари аъзоларининг иш вақтида жалб этилганлиги учун меҳнатга ҳақ тўлаш принципининг жорий этилиши мақсадга мувофиқ ва давр руҳига жавоб берадигандек кўринади.** Район партия комитети аъзоларининг сони энг кўп бўлган ҳолларда, бизнинг назаримизда бу кўрсаткич йирик район партия ташкилотларида юз кишидан ошмаслиги керак, коммунистларнинг сони 6 минг ва ундан кўп бўлган район партия ташкилотлари учун ҳар йили камида 800 киши кунига, катта бўлмаган район партия ташкилотлари учун 500—600 киши кунига ҳақ тўлаш учун муайян имкониятлар мавжуд. Ўйлаймизки, шундай бўлганда асосий эътибор сайланиб қўйиладиган органларнинг аъзоларини ишдан бўш вақтларда ишга жалб этишга кўпроқ ҳаракат қилиш керак. Масаланинг шу тарзда қўйилиши ҳозир, корхона ва ташкилотлар тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини молиявий таъминлаш принципига ўтаётган бир пайтда айниқса долзарблик касб этади. Бундан ташқари партия комитетларининг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, бу сайланиб қўйиладиган партия органлари сонини белгилашда муайян мезон бўлиб қолади.

Район партия комитетларида партия фаолларини иш тажрибаларни ўрганиш ва айирбошлаш учун бошқа регионларга командировка қилишда фойдаланиш учун 2—3 минг сўм, адабиётларни, кўргазмали тарғибот қуролларини ва ҳоказоларни сотиб олиш учун қўшимча 5—6 минг сўмдан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Дастлаб қараганда, бу пуллар катта эмасдек туюлади. Шундай бўлса ҳам муаллифлар биринчидан, ана шу маблағларнинг энг кам миқдорини олишган, иккинчидан, шу ҳолда ҳам улар илгари юқоридан туширилган смета бўйича мўлжалланган маблағлардан бир неча баравар кўп.

Шак-шубҳасиз шу ўринда ёндошув бизнинг назаримизда табақалашган бўлиши керак. Тошкент шаҳар партия ташкилоти мисолида олиб борилган таҳлил шуни кўрсатадики, молиявий алоқаларнинг янги системасига ўтиш, иқтисодий мустақилликни ошириш учун 6 мингдан зиёд коммунистлари бўлган (йиллик тўпланадиган аъзолик бадаллари 650—700 минг сўмдан кам бўлмаган) район партия ташкилотларига аъзолик бадалларининг 50—60 фоизини ўз ихтиёрида қолдириш етарлидир. Тошкент шаҳридаги 10 та район партия ташкилотларидан 8 таси ана шундай ташкилотлардир. Кам сонли, 4,5 мингдан кам коммунистлари бўлган, йиллик бадаллар миқдори 300 минг сўмгача бўлган район партия ташкилотлари ўз ихтиёрларида аъзолик бадалларининг 90—95 фоизигача қолдиришлари, ана шунинг ҳисобидан Ленин район партия ташкилоти мисолида баён этилган тарзда ўз ҳаёт фаолиятлари билан боғлиқ барча масалаларни тўла ҳал этишлари керак.

Район партия комитетлари ҳуқуқига эга партия комитетлари ҳам аъзолик бадаллари миқдорининг энг кўп қисмини қолдиришлари мумкин. Масалан, ўз сафида мингдан зиёд коммунистларни бирлаштирган Тошкент электрон-техника заводининг партия комитети ҳар йили 70 минг сўмдан зиёд бадалларни топширади. Бизнинг назаримизда 7—10 минг сўмни бу ерда завод партия ташкилотининг эҳтиёжлари учун қолдириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳисоб-китоблар коммунистларнинг сони 300 дан кам бўлмаган партия комитетларида, айрим ҳолларда эса бундан ҳам кам сонли партия комитетларида партия бадаллари миқдорининг 10—15 фоизигача қолдириш мумкин эканлигини кўрсатади. Ана шу маблағларни зарур техникани сотиб олишга, ташвиқот ишларига, коммунистларга ёрдам беришга ва бошқа эҳтиёжларга сарфлаш мумкин бўларди. Шу хилдаги партия комитетлари, бошқа партия ташкилотлари билан бир қаторда зарур ҳолларда шаҳар ва район партия комитетларида вужудга келтириладиган инвестицион фондлардан молиявий ёрдам сўраб шаҳар партия комитетига, район партия комитетларига мурожаат қилиш ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Молиявий мустақилликка ўтишда Тошкент шаҳар партия комитетининг имкониятлари ҳам сезиларли даражада кенгаяди. Шаҳар партия комитетига ўтказиладиган норматив ажратмаларнинг ярми эркин маблағлар қолдиғини ташкил этиб, унинг ўз эҳтиёжларига йўлланиши, иккинчи ярми (беш фоизи) ўзига хос инвестиция фондини ёки «эҳтиёт» фондини ташкил этиши, бу маблағлардан молиявий жиҳатдан бўш район партия ташкилотлари ва партия комитетларини қўллаб-қувватлаш, ё зарур ҳолларда муайян тадбирларни ўтказиш учун партия комитетларига қарз сифатида фойдаланиш мумкин. Бу маблағ кейинчалик қайтариб берилади. Шаҳар партия комитети ўз эҳтиёжларига бадаллар миқдорининг кўпи билан беш фоизини сарфлаган тақдирда ҳам у бугунги харажатларни қоплаш билан бирга, сайланма органлар аъзоларини ва зарур мутахассисларни иш вақтида жалб этганлиги учун қисман ҳақ тўлайди, камида юз минг сўм эркин қолдиқни вужудга келтиради. Бугунги кундаёқ 400 минг сўмдан зиёд пул инвестиция фондини ташкил этган бўларди.

Молиявий имкониятлари нуқтаи назаридан район партия ташкилотларининг таҳлили, бизнинг фикримизча маъмурий бўлиниш масалаларини ҳал этишда объектив мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин. Жумладан, алоҳида район партия комитети, тегишли аппарати ва ҳоказолари бўлган кам сонли (коммунистлари 4 минг нафардан кам бўлган) район партия ташкилотларининг мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқ эмаслиги аён бўлади.

Бундай вазиятларда, бизнинг назаримизда **партиявий ишларни олиб бориш учун икки маъмурий район базасида бирлашган район партия комитетларини ташкил этиш тўғрироқ бўлади.** Маълум даражада бу шаҳар районларига тааллуқлидир. Чунки уларда ташкилотларнинг территориал тарқоқлиги муаммоси қишлоқ районларидагидек айтарлик кескин эмас. Шунинг учун ҳам албатта бу борада ишнинг кўзини билиб ёндошиш зарур бўлади.

(Давоми 3-бетда).

ПАРТИЯНИ ЯНГИЛАШ. ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОН ЎГИРИЛИШ

(Давоми. Боши 2-бетда)

Район партия ташкилотларининг область партия комитети ҳисоб счётига ажратмалари даражасининг таҳлили ҳам унинг бошқа юқори органлар каби молиявий муносабатларнинг янги типига ўтиши ҳаётий эканлигини кўрсатади. Район партия ташкилотларининг, партия комитетларининг ҳаёти ва фаолиятига доир қатор масалалар бевосита жойларга ўтказилиши инобатга олинадиган бўлса, область партия комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети майда, жорий масалалардан ҳоли бўлиб, стратегик муаммоларни ҳал этишга, илмий асосланган концепцияларни ва пухта ўйланган сиёсатни ишлаб чиқишга кўпроқ эътибор беришлари мумкин бўлади. Молиявий мустақиллик ўз навбатида район партия ташкилотларини, партия комитетларини ўз молиявий аҳволи тўғрисида жиддий ғамхўрлик қилишни ва кузатиб боришни, партия аъзолик бадалларининг келиб тушиши тўғрилигини ва миқдорини, мавжуд маблағлардан оқилона фойдаланишни назорат қилишни кучайтиришга мажбур этиши шак-шубҳасиздир.

Шу пайтгача биз ҳозирги вақтда партия бюджетини тўлдиришнинг муҳим манбаларидан бири бўлган партия бадаллари ҳақидагина гапириб келдик. Бу партия якдил фикрловчилар ва уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватловчилар иттифоқидан иборат эканлигининг табиий натижаси ҳисобланарди. Бироқ бизнинг фикримизча, **ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиш чоғида партия бюджетига пул маблағлари келиб тушишининг бош манбаи сифатида аъзолик бадалларининг роли ўзгариши мумкин ва ўзгариши керак.** Мазкур манба билан бир қаторда партиянинг ўз маблағларини тўлдиришнинг мувофиқроқ бошқа шаклларининг роли ошиб бормоғи керак. Бу фикр ўз моҳияти жиҳатидан албатта янгимас, ундан жаҳондаги бир қатор мамлакатларнинг сиёсий партияларида фаол фойдаланилмоқда. Партия комитетларининг ўз пул маблағларидан ажралиб қолган бир пайтда бу масала уларда қизиқиш уйғотмаганлиги табиий ҳолдир. Бу нарса ҳозирги пайтда ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Аммо партия комитетлари ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтганидан сўнг ишларнинг аҳволи тубдан ўзгаради. Партия комитетлари олаётган партия бадаллари суммаси ўсиб бориши ҳолларини ҳисобга олганда ҳам фақат биргина шу манбанинг ўзи унинг молиявий фаровонлигини сезиларли даражада оширишни таъминлай олмайди ва бунга асосан дастлабки капитал сифатида қарамоқ лозим. Партия комитети пул маблағлари қолдиқларидан эркин фойдаланиб, уни ўз ташкилотига иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган тадбирларга сарфлайди. Бу нималар бўлиши мумкин? Биринчи навбатда, чамаси, партия матбуоти тўғрисида сўз юритиш зарур. Бу восита манбаи азалдан маълум ва мавжудга ўхшаб туюлади. Бироқ бугунги кундаги аҳвол гоятда ажабтовурдир. Партия комитети ўз матбуот органининг тўла ҳуқуқли раҳбари бўла туриб, молиявий маънода ундан тўла ажралгандир. Газета зарар кўряптими, фойда кўряптими — бу нарса партия комитетининг маблағига асло таъсир қилмайди. Мана шундай бир чоғда ўз газетасининг тараққиёти ва унинг нусхаси кўпайишига зарур манфаатдорлик ва қатъиятни кутиб бўладими? Ўз матбуот органига раҳбарликдаги консерватизм, янгилик ва экспериментдан, янги шаклларни излашдан ҳадиксираш шундан эмасмикан? Ахир, бу партия комитетига «ғурра»дан бошқа ҳеч нарса олиб келмайдику. Демак, таваккал қилиш керакми, йўқми? Ахир, таниш йўллардан юриш ҳамиша ишончлироқ-да.

Масалан, Тошкент шаҳар партия комитетини олиб кўрайлик. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари унинг органи ҳисобланади. Шаҳар партия комитети бу газеталарнинг муҳарририни тасдиқлайди. Аммо бирлашган редакцияларнинг штатлари, молиявий жиҳатлари унинг қарамоғидан четда қолиб келяпти. Редакциялар олаётган йиллик соф фойда ҳолбуки икки миллион сўмдан ортиқни ташкил этади. «Вечерний Ташкент» тиражи 170 минг нусхага, «Тошкент оқшоми»ники эса 140 минг нусхага яқинлашиб қолди. Матбуот органидан келаётган жамики фойда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти орқали марказлашган тартибда кетмоқда. Ана шу фойданинг бир қисмини (айтайлик 15 фоизи доирасида) шаҳар партия комитети ташкил этган расчет счётига ўтказилса, ҳаққоний ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмайдими? Бунда муайян миқдорини (айтайлик 3,5 фоизини) ўз ихтиёрида қолдириши мумкин бўлмайдими?

Навбатдаги одим, бизнинг назаримизда, газеталарни тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш бўлмоғи керак.

Миллионлаб сўмлик фойда келтираётган газета ўзига қўшимча 10 та штат ажратиб бериш, яъни йилига бор-йўғи 25 минг сўмнигина талаб этадиган қўшимча штатларни ажратиб бериш тўғрисидаги масалани ҳал қилолмаётганини нормал ҳол деб бўладими?

Бу пулни ажратиб бериш, тўғрироғи, ундан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишни ҳал этишга рухсат бериш тўғрисидаги илтимос билан газета бир неча марта юқори идораларга мурожаат қилди. Аммо ҳеч бир натижа чиқмади.

Газета бу идораларга мурожаат қилдию, аммо ўз органи ҳисобланган шаҳар партия комитетига мурожаат қилмади.

Бунинг сабаби жуда оддий эди. Чунки бу масалани ҳозир у ҳал этишга ҳақли эмас эди-да. Боши берк кўчага кириб қолинди.

Газеталарнинг редакциялари коллективига унинг мазмунини яхшилаш учун, демакки, тиражини ошириш учун имкониятларни излаб топиш тобора мураккаблашиб бормоқда. Бунинг сабаби шундаки, ижодий ходимларнинг зиммасига тушаётган ишлар мавжуд нормативдан ҳозирдаёқ икки ҳисса ошиб кетган. Бугунги кунда газета реклама ишларини ўзи ташкил қилолмайди.

Газеталар ўз расчёт счётларига эга бўлсалар эди, ўз мустақилликларини, тиражни кўпайтиришга манфаатдорликни оширган бўлур эди.

Бундан ташқари, газеталар буклетлар, йўл кўрсаткичлари, туристлар учун проспектлар, программалар нашр этишлари, ўз байрамларини, фестивалларини, пуллик томоша тадбирларини, викториналарни, спорт мусобақаларини ўтказиши мумкин бўларди.

Валюта тушумлари имконияти туғиларди. Бирлашган редакцияларнинг молиявий базаси ўсиши шаҳар партия комитетига келиб тушаётган маблағларнинг ҳам кўпайишига, унинг шаҳар партия ташкилоти бюджетига қўшадиган ҳиссаси ошишига олиб келарди, албатта.

Табиийки, бундан газетхонлар ҳам ютган бўлишарди. Газеталарнинг янада мазмундор ва қизиқарли бўлиш имкониятлари ҳам кўпайган бўларди.

Шаҳар партия комитетининг нашриёт фаолиятидан оладиган маблағларининг бир қисми бир қатор район газеталарини ташкил этиш учун дастлабки манба бўлиши мумкин эди. Ахир, бугунги кунда масалан, Тошкент областининг 2,5 минг коммунисти бўлган Оҳангарон район партия ташкилоти икки тилда чиқадиган ўз газетасига эга-ку. Шунингдек Тошкент шаҳрининг Ленин, Куйбишев районларида эса 14 мингдан зиёд коммунист бўлса ҳам ўз газеталарига эга эмаслар. Албатта, янги нашрларни ташкил этиш имконияти ҳақида сўз юритганда фақат уларнинг рентабеллилиги шартини қўйиш керак. Чамаси, район газеталарини ташкил этиш учун бир неча кўп нусхали нашрларни бирбирига қўшиб юбориш дастлабки асос бўлиши мумкин.

Бизга шундай туюляптики, оммавий ахборот воситаларининг ўз органларини нашр этиш партия комитетларининг ўз молиявий фаолияти имкониятлари билан чекланмайди. Масалан, Ленин район партия комитети ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитларида харажатларни сарфлаши билан эркин маблағлар қолдиғи ҳосил қилишини юқорида таъкидлаб ўтдик. Унинг миқдори дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда 80 минг сўм атрофида бўлар экан. Ана шу маблағларни тежаб-тергаб сарфлаш, яъни унчалик зарурати бўлмаган нарсаларга сарфламаслик тўғрисида сўз юритиш мумкин. Бироқ бундай ёндошув бизга анча жўн бўлиб кўриняпти ва партиянинг манфаатларига тўла-тўкис жавоб беради деб бўлмайди. Бизнинг мавжуд эркин пуллар оборотга киритилиши, ўз капиталининг ўсиб боришига хизмат қилиши керак. Мана шу ерда биз ўзимизга қарата консерватив кучлар томонидан қанчалик танқид ўти сочилишини тўла ҳис этган ҳолда айни пайтда бир қатор ўта дадил таклифлар киритишни истардик. Чунончи, партия комитети дастлаб ўз маблағларини район территориясида жойлашган корхона тасарруфига бериши ёки корхонанинг (масалан, бир марта фойдаланиладиган шприцлар ишлаб чиқарадиган заводнинг) муайян маблағ қўшиб ҳамкорликдаги эгаси ўрнида чиқиши мумкин.

Эркин пул маблағлари қолдиғига эга бўлган партия комитети шунингдек бошланғич партия ташкилотини молиялаштиришга ҳисса қўшиши, иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган тадбирларни ўтказиши, маданий ва томоша марказларини барпо этиши мумкин. Бу энг аввало ўз видеотекаларини яратиш, конкурс программалари ўтказиш, қизиқишларга қараб клублар, клуб-кафелар ташкил этиш, пулли томоша байрамлари ўтказишдир. Табиийки, уларни ўтказиш энг аввало тарғибот мақсадларини кўзда тутади. Партия комитетларининг идеология ишлари бисотидаги кучларни ишга солишнинг бундай шакллари ҳозир бор. Бироқ ўтказилган тадбирлар савияси кўпинча паст бўлади. Уларнинг ташвиқотчилик йўналиши эса шунчалиқ оддий ва зерикарли бўладики, ҳатто уни текинга уюштириб ҳам томошабин тўплаб бўлмайди. Фойда келтирадиган тадбирларни ўтказишга эса табиийки фақат мутлақо бошқача асосларда эришиш мумкин. Қизиқарли программа, баҳслар, хушёқадиган ва билим доирасини кенгайтирадиган дам олиш шарт-шароитлари яратиб берилган клуб-кафелар ташкил этишга бир неча бор уринишлар бўлган. Шуни тан олиш керакки, булар амалга ошмай қолди. Чунки партия комитети томонидан у ҳеч қандай моддий қўллаб-қувватланмади. Район ёки шаҳар партия комитетлари ўз маблағларига эга бўлар эканлар, клуб-кафе ташкил этишлари, у ерда қизиқарли тадбирлар ўтказишлари ва бунда фойда ҳам олишлари мумкин.

Видеоклублар, ҳатто унча катта бўлмаган кинотеатрлар ташкил этиш мумкин.

Масалан, Тошкент шаҳрининг Ленин район партия комитети ўзининг мажлислар залини дам олиш кунлари кинотеатр сифатида фойдаланиш учун ижарага бериш масаласини ишлаб чиқяпти. Фақат шунинг ўзидангина район партия комитети йилига 40 минг сўмга эга бўлар экан. Бу эса бугунги кунда унга ажратилаётган харажатлар сметасининг 15 фоизини ташкил этади. Ахир, бунинг нимаси ёмон? Биз эса ўз кинотеатрлари тўғрисидаги масалани қўйяпмиз. Физкультура-соғломлаштириш маъносидаги корхоналар, пулли хўжалик ҳисоби асосидаги поликлиникалар ёки айрим кабинетлар келгусида эса, ҳатто унча катта бўлмаган ўз ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишлари мумкин.

Партия комитетлари зарур миқдордаги капитални жамғарганларидан кейин унинг бир қисмини «Раҳм-шафқат» программасини ҳал этишга, соғлиқни сақлаш объектлари тармоғини кенгайтиришга, партия ва меҳнат ветеранлари учун махсус шифохоналар ва поликлиникалар қуришга сарфлашлари мумкин бўларди. Йирик партия комитетлари даражасида, масалан, Тошкент шаҳар партия комитети даражасида ҳатто ўз санаторийларини қуришни амалга ошириш мумкин бўлур эди. Зотан, унга бошланғич партия ташкилотлари бўйича дам олиш учун барча коммунистларга бирон нафарини ҳам қолдирмай мажбурий тарзда йўлланмалар тақсимлаш мумкин бўларди. Бизга шундай туюляптики, курорт-санаторий даволанишни ташкил этишнинг мана шундай шаклини коммунистлар маъқуллаб кутиб олган бўлишарди. Ўз моҳияти жиҳатидан у касаба союзларининг саломатлик масканлари иш шарт-шароитларига мос тушарди. Бу ерларда фақат ишлаб чиқаришдан озод қилинган ходимларгина эмас, балки барча касаба союз аъзолари дам оладилар.

Чамаси партия комитети ташаббуси билан бирон-бир аниқ тадбир ўтказиш чоғида корхона ва ташкилотларнинг ҳомийси сингари шаклидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари «партияни қўллаб-қувватловчилар» муассасаларини жорий этиш тўғрисида ҳам ўйлаб кўрмоқ керак. Зотан, партияни қўллаб-қувватлаётган киши умуман унинг эҳтиёжларига пул маблағлари ўтказиши мумкин бўлганидек бирон-бир аниқ тадбирни амалга оширишга ҳам пул ўтказиши мумкин.

Масалан, экологик вазиятнинг мусаффолиги учун кураш фондини яратишга, моддий жиҳатдан кам таъминланган кишиларга ёрдам, болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва ҳоказоларга пул ўтказиши мумкин. Коммунистлар ва партиясизлар партия маблағларидан қандай фойдаланаётганликларини аниқ-равшан кўриб турадилар, чунки унинг катта миқдорини район партия ташкилотининг ўзи ошкора равишда сарфлайди.

Бизнинг таклифимиз ҳамма томондан тўғрилигига даъво қилмаса-да, зотан шунга ишончимиз комилки, партия ташкилотларининг турмуш фаолиятини молиялаштиришни ўзгартириш масаласи бутун партия ишларини қайта қуришнинг муҳим масалаларидан биридир. Бизнинг фикримизча, **партиянинг асоси бошланғич звенолар ҳисобланади ва айнан ана шу бошланғич звенолар партияни молиялаштириш зарур, аксинча эмас, деган тезисни оғизда эмас, балки амалда ҳаётга татбиқ этиш лозим.**

Партия органларининг молиявий мустақиллик шароитларига ўтиши молиявий ресурсларнинг барча манбалари асоси, аккумуляториси бўлган район партия звеносининг ролини ошириш имконини беради, яъни бу звено ана шу ресурсларнинг асосий тақсимловчисига айланади. Бинобарин шу йўсинда молиявий манбалар уни шакллантираётган кишиларга, яъни тармоқларнинг ва халқ хўжалиги соҳаларининг коммунистларига энг кўп даражада яқинлашади. Ўз пул маблағларини янада эркинроқ тақсимлаш эса йирик умумсиёсий ва маданий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш чоғида хўжалик ходимларига ёрдам сўраб мурожаат қилишдек мавжуд практикадан воз кечиш имконини беради. Район партия ташкилоти моддий ишлаб чиқариш системасининг бошланғич звеноси бўлиб қоладики, у нормативлар системаси орқали бошқарувнинг юқори звенолари турмуш фаолиятини таъминлайди ва резерв умумий фондини яратади. Район партия комитетлари фақат ўз коммунистларини илғор тажрибаларни ўрганишга юборишган эмас, балки истиқболли масалаларни ишлаб чиқиш бўйича етакчи мутахассислар, мамлакатнинг турли регионларидаги йирик олимлар, лекторлардан иборат ҳақ тўланадиган бригадалар яратиш имкониятига ҳам эга бўладилар.

Ҳар бир район партия комитети аниқ эҳтиёжлардан ва молиявий имкониятларидан келиб чиқиб партия аппаратидаги штатлар сонини ўзи белгилайди. Шак-шубҳасиз бунда бир неча вариантларга, сайланган актив билан масъул ва техник ходимлар сони ўртасидаги мутаносибликни қулай даражада ўзгартиришни излашга имконият бор.

Шуни айтиш керакки, **коммунистларнинг бадалларидан партия комитетларининг ўз молиявий маблағлари учун мўлжалланган нормативлар доимий бўлиши шарт эмас.** Булар съездларда, конференцияларда, айтайлик, ҳар беш йилда кўриб чиқилиши мумкин. Агар камсонли партия ташкилотлари ана шу даврда ўзларининг молиявий базаларини ташкил эта олмасалар, унда юқори партия комитети бамаслаҳат мазкур партия комитетининг мустақил ташкилот сифатида бундан буён қолиш-қолмаслигининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ёки уни инвестиция фондидан қўллаб-қувватлаш ҳуқуқига эгадир. Партия комитетларининг аниқ вазифаларни ҳал этиш учун районлараро, шаҳарлараро ва ҳатто территориялараро асосда ўзларининг аниқ ресурсларини бирлаштириш ҳуқуқини тан олиш керак. Ўзининг молиявий базасини муайян даражада яхшилаб олгач, мавжуд пул маблағларидан самарали фойдаланадиган бўлгач, келгусида партия ветеранларига жиддий суратда ёрдам кўрсатиш, ҳатто уларнинг пенсиясига қўшимчалар бериб боришгача, ҳайрия тадбирларини ўтказиш партия комитетлари ва ташкилотларини техникавий жиҳатдан тўла қайта жиҳозлашгача бўлган масалани қўйиш мумкин.

Пировардида шуни яна бир марта таъкидлаб ўтишни истардикки, бу таклиф варианти баҳс уйғотмайди деб бўлмайди. У етарлича холисона қараб чиқишни, ҳисоб-китобни тақозо этади, бу эса янада илмий жиҳатдан чуқурроқ ишлаб чиқишни талаб этади. Аммо коммунистлар, жамоатчилик ҳукмига асосий нарса — партияда молиялаштиришнинг янги принципи — партия ташкилотлари ўртасида пул маблағларини янада ҳаққонийроқ тақсимлаш, уларнинг мустақиллигини ва турган гапки, жанговарлигини оширишнинг янги принципи ҳавола этилмоқда. Айни пайтда муаллифлар шаҳар партия комитетининг аъзоси, иқтисод фанлари доктори, ТошДУ профессори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган иқтисодчи Валерий Александрович Осмининга мазкур принципни излаб топишга ва аниқ ишлаб чиқишга, Тошкент шаҳар партия ташкилоти мисолида унинг ҳаётийлигини илмий асослашга салмоқли ҳисса қўшганлиги учун чин дилдан миннатдорчилик изҳор қиладилар.

Мазкур таклиф этилаётган принципнинг Тошкент шаҳар партия комитетининг ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш комиссияси мажлисида «Средазкабель», «Фотон», «Миконд» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Ташметрострой» тресты, 2-автокомбинат, 243-граждан авиацияси заводи ва бошқа корхоналар партия комитетлари секретарлари ва бир қатор коммунистларининг иштирокида муҳокама этилиши шуни кўрсатдики, у маъқулланяпти ва қўллаб-қувватланяпти.

Мазкур таклиф бундай ҳолида юқори партия органлари, ҳатто КПСС Марказий Комитетигача бўлган аппаратларнинг бир қатор ходимларида етарлича акс садо уйғотмаслиги мумкинлигини ҳис этиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида содир бўлаётган ўзгаришларга тан бериб, партияни молиявий таъминлаш системасининг мазкур таклиф этилаётган ўзгартишлари, КПСС таркибидаги барча даражадаги партия ташкилотлари мустақиллигини ошириш имкониятларини чуқур ва муфассал ишлаб чиқиш учун унинг ихтиёрида ғайратли, бир хил қолипда фикрламайдиган Марказий Комитет аъзолари, партия комитетларининг секретарлари, етакчи иқтисодчи-олимлар, қуйи партия звенолари вакилларидан иборат ишчи группаси ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Мазкур принципнинг ҳаётийлиги илмий жиҳатдан тасдиқланса, у Ўзбекистон Коммунистик партиясининг КПСС XXVIII съездига таклифлари мажмуига кириши мумкин.

В. ДМИТРИЕВ,
Тошкент шаҳар партия комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш комиссиясининг раиси.

С. НИКУЛИН,
Тошкент шаҳар партия комитети ташкилий бўлими мудирининг ўринбосари.

Олий ўқув юртларида

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ»

⊙ **ХАЛҚЛАР дўстлиги орденли Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Ипак технологияси» ташаббуси билан «Буюк ипак йўли» — дўстлик, тинчлик ва ишонч йўли» илмий ёшлар экспедицияси ташкил қилинди.** Бу илмий-ёшлар экспедициясининг вазифаси, халқаро ЮНЕСКО экспедициясидан фарқли ўлароқ, Ўрта Осиё жумҳуриятидаги қадимий карвон йўлларини аниқлаш, машҳур меъморий ёдгорликларни, «Буюк ипак йўли»ни чуқурроқ ўрганиш, халқлар дўстлиги, Ўрта Осиё халқларининг урф-одатларини, тинчликни тарғиб қилиш билан бирга маҳаллий ёшлар ташкилотлари, ипакчилик корхоналари, тарихий обидалар билан танишиб бой тажрибаларни тарғиб қилишдир.

Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси маъқуллаган бу экспедиция асосан турли миллат вакилларидан иборат талабалардан ташкил топган бўлиб, уларда бўлажак «карвон йўлига», яъни Ўрта Осиёнинг уч жумҳурияти — Ўзбекистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон шаҳар ва қишлоқларида бўлишади.

Бу эса тарихан диққатга сазовор жойларни қайта тиклаш, йўлларни ҳамда қадимий обидаларни янгилаш каби жамғарма тўплашга асосий омил бўлади.

ХОТИРЛАШ МАРОСИМИ

⊙ **ИНСТИТУТДА хотирлаш маросими — шу институтнинг академик, меҳрибон мураббий, фазилатли марҳум олимаси Мақсуда Ҳожинова ректорлик қилган ўқув биносига ёдгорлик тахтаси тантанали равишда очилди.**

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, академик М. Ҳожинова номи билан шаҳар кўчаларидан бири — ўзи яшаб ижод этган кўча номланди. Қувончлиси шуки, талабалар учун Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Президиуми «Ҳожинова номли стипендия» таъсис этди. Бундай стипендияни ҳам аълочи, ҳам жамоатчи ва изланувчан, ташаббускор талабалар олишади.

Академик М. Ҳожинова яратган мактабда унинг содиқ шогирдлари хайрли ишларни давом эттираверадилар.

ОЧИҚЧАСИГА МУЛОҚОТ

⊙ **КУНИ неча институтнинг мажлислар залида мароқли учрашув бўлиб ўтди.** Учрашувда Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик қўмитаси аъзолари биринчи марта ўқитувчилар, талабалар, илмий ходимлар билан мулоқотда бўлдилар. Жумҳурият хавфсизлик қўмитаси фаолияти ҳақида қисқача суҳбатдан сўнг, савол-жавоблар бўлди. Матбуот группасининг аъзолари А. Н. Благородов, Р. Акромов, А. Исажоновлар барча саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Ҳозирги шароитда мамлакатни ўйлантираётган муаммолар, социализмга зид унсурлар билан, тартиббузар, ўғирлик, порахўрлик каби иллатлар билан кураш ҳақида қизғин баҳс юритилди.

Барча талабалар, ўқитувчилар шундай очиқ мулоқотлар доимий бўлишини истаб, Давлат хавфсизлик қўмитасининг ишларига муваффақиятлар тилашди.

А. АБДУҒАФФОРОВ.

Советлар мамлакатида

⊙ МОСКВА. «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг экологик асослари» — пойтахтда очилган семинар ана шундай номланади. Семинарни ЮНЕСКО ҳомийлигида СССР Давлат табиатни муҳофаза қилиш комитети, Давлат бош экологик экспертизаси ва экология соҳасидаги таълим системалари халқаро маркази уюштирди.

⊙ ЛЕНИНГРАД. Совет ва Ғарбий Германия монтажчилари «Ленмясокомбинат» бирлашмасида атиги бир неча ой ичида автомат-заводни ишга туширдилар. Корхона магазинларга ўз маҳсулотининг дастлабки туркумини жўнатди. «Гевика» фирмаси билан ҳамкорлик натижаси ана шундай бўлди. Кунига 30 тонна колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхонада икки сменада олти оператор хизмат қилади.

⊙ ИВАНО — ФРАНКОВСК. «Карпати» бирлашмасида «Амфитон П-402С» плейерлари ишлаб чиқарила бошланди. Аппарат нархи улар наушник ёки ихчам стереофоник колонкалар билан жиҳозланишига қараб 100 сўмдан 160 сўмгачадир. Бу йил корхона мамлакат савдо тармоғига 165 мингта «Амфитон» етказиб беради.

(ТАСС мухбирларининг хабарларидан).



Чернобилдаги авариядан сўнг Брянск областининг Злинковский райони қаттиқ назорат остига олинди: ҳудуднинг булғанганлиги ҳар квадрат километрга 15—40 кюрини ташкил этарди.

Авария оқибатлари одамларга, айниқса болаларга таъсир этмоқда. Япониянинг ультратовуш аппарати ёрдамида ўтган йили ўтказилган тадқиқотлар ҳам буни тасдиқламоқда.

Бешинчи синф ўқувчиси Таня Родионовани кўпинча иккинчи дарсдан кейиноқ уйига қўйиб юборишади. Сўнгги вақтларда у бош оғриғидан кўнгли айниб, ўзини лоҳас ҳис этаётганлигидан тез-тез шикоят қиладиган бўлиб қолган.

СУРАТДА: синф раҳбари А. И. Таранова Таняни мактаб медицина пунктига олиб бормоқда.

Л. Свердлов (ТАСС) сурати.



ГРУЗИЯ ССР. **Янги йил арафасида «Тбилкондитер» ишлаб чиқариш бирлашмасида шоколадли конфетларнинг термаларини ишлаб чиқарувчи технология линияси ишга тушди. Бу линияни Ғарбий Германиянинг «Винклер-Дьюнебер» фирмаси етказиб берди.**

СУРАТДА: **линия оператори Нона Апциаури бошқарув пультида.**

Б. Двалишвили (ТАСС) сурати.

Маданият янгиликлари

⊙ ЎЗБЕКИСТОН Давлат санъат музейи залларида уни реконструкция қилиш лойиҳаларининг конкурси очилди. Тақдим этилган лойиҳалар музей учун қийинчилик туғдираётган унинг залларини ва фонди сақланадиган жойни, таъмирлаш устахоналарини қайта жиҳозлаш муаммосини ҳал этиши керак. Бундай конкурсни ўтказиш зарурати аллақачон етилган эди — ўн беш йилдан буён мавжуд бўлган бу бино мутахассисларнинг фикрича, талабга жавоб бермайди. Бунинг устига хоналар ва асарлар сақланадиган жойлар янги экспонатларни қабул қилишга қодир эмас — ҳар йили бу ерга 10 мингга яқин ана шундай экспонат келтирилмоқда. Мана шу барча масалалар юзасидан тўртта авторлар коллективи ўз таклифларини тақдим этди.

⊙ БУНДАН икки йил муқаддам Республика модалар уйи ҳузурида ташкил этилган Тошкент модалар театрининг янги программаси «Модалар калейдоскопи» деб номланди. Томошабинлар қишки кийим моделларини, эркакларга мўлжалланган «Авиаторлар» деб номланган ва хотин-қизлар учун «Қишки ёмғир» ҳамда «Хотин-қизлар кенгаши» деб номланган ўзига хос кийимлар туркумини муносиб баҳоладилар. Программанинг бутун бир бўлими шарқ услубида тайёрланган моделларни кўрсатишга бағишланган. Шарқда машҳур бўлган хонатласдан тикилган либосларда халқ кийимлари мавзуси жонланган. Коллекцияни яратишда республика ассортимент маркази ва тикувчилик саноати модаси энг яхши модельерлари ва рассомлари меҳнат қилишди.

⊙ РЕСПУБЛИКА халқ артисти Исмоил Жалилов ва Ўзбекистон ССР Давлат симфоник оркестрининг бош дирижёри Имант Коциньш ташаббуси билан тузилган «Ўзбекистон юлдузлари» камер ансамбли республиканинг энг яхши ижрочи машшоқларини бирлаштирди. Янги коллективнинг биринчи концерти Тошкентдаги «Баҳор» концерт залида бўлиб ўтди. Опералардан арияларни, қўшиқлар ва романсларнинг овози Венадаги операда ва «Ла скала» театрида янграган опера қўшиқчиси Гегем Григорян ансамбль билан биргаликда ижро этди.

⊙ ТОШКЕНТ грампластинкалар заводида чиқарилган янги пластинкада Ўзбекистон композиторларининг органда ижро этиш учун ёзган музика асарлари тақдим этилди. Тошкент консерваторияси муаллимаси Татьяна Левина ижросида С. Жалилнинг «Шарқ фантазияси» ва Г. Мушелнинг «Самарқанд сюитаси», Ф. Янов-Яновскийнинг «Поэма бадиҳа»си янграйди. Асарларнинг ҳар бири шарқ оҳангларига, уларнинг бетакрор усуллари ва колоритига мурожаатдек янграйди. Янги пластинкада кенг тингловчилар оммасига Ўзбекистон композиторларининг органда ижро этиш учун ёзган асарлари илк бор тақдим этилди.

(ЎзТАГ).

Эҳтимол бу учрашувлар команда тарихига кирмас — чунки улар шериклар билан машқ учрашувларидир. Лекин уларнинг ҳар бири эсда сақланиб қолади.

Ўн тўққиз яшар Рифат Галеев Қўрғонтепанинг «Вахш» командаси дарвозасига киритган тўпини эслаб юради. Зарб билан тепилган тўп дарвозабон қўлидан чиқиб кетиб, дарвоза ичига киргани учунгина эмас... энг муҳими Рифат ёшлигидан орзу қилган команданинг «Номидан ва унинг топшириғи билан» тўп киритилди. Шу ўйинда Рифат пахтакорчилар сафида биринчи бор қатнашди.

Ўттиз уч яшар Хорен Оганесян ҳам Чирчиқнинг «Сельмашевец» командаси дарвозасига киритган икки тўпни эслаб юради. У олий лигада, ҳатто мамлакат терма командасида иштирок этиб, юзлаб ўйинларда қатнашган, ўнлаб тўп киритган. Лекин бу ерда алоҳида маҳорат билан ўйнади. Чунки бу ўйин Тошкентнинг «Пахтакор» командаси билан танишишга бағишланган ўйин эди. Шериклар Хореннинг маҳоратини ҳам, ғайратини ҳам муносиб баҳолашди. Хорен Оганесян фақат ўзи тўп киритиб қолмай, унинг ўртоқларига узатган тўртта тўпи ҳам дарвозага йўналтирилди. Тренерлар эса спортга чинакам берилган бу футболчини таклиф этиш мақсадга мувофиқ бўлганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

коллектив вужудга келади, дейди Федор Сергеевич. — Гап фақат давомийлик ҳақида бораётгани йўқ. Командага янги қабул қилинган спортчи чинакам истеъдодли ва меҳнатсевар бўлса, у фақат шогирд бўлиб қолмайди. Вақти келиб командага, унинг ўйинига ўз ҳиссасини, ўзига хос янгиликларни киритади.

Лекин гап мутлақо «Пахтакор»ни бошқа коллективлар ҳисобидан кучайтириш тўғрисида бораётгани йўқ. Бу икки томонлама ҳаракат қилинадиган йўлга ўхшайди: республика ва бутун мамлакат миқёсида футболнинг барча иштирокчилари тағин ҳам кучлироқ бўлишлари керак.

Келинг, текшириб кўрайлик: спортчини бошқа бир коллективга юбориш ўз командасини заифлаштириш бўладими? Бу қандай кўз билан қарашга боғлиқ. Мисол учун «Пахтакор» икки йигитга — Миржалол Қосимов билан Андрей Пятницкийга мамлакат ёшлар терма командасига қўшилишга оқ йўл тилади. Башарти улар контрол ўйинларда ва ўртоқлик учрашувларида ўзларини кўрсата олеалар, уларни асосий составга киритадилар, у ҳолда йигитларнинг терма командага «командировкаси» мавсум давомида тахминан 140 кун давом этади. Бу эса «Пахтакор» 18-19 ўйинни ўзининг асосий ярим ҳимоячиларисиз ўтказади, деган маънони билдиради. Лекин иккинчи томондан қаралса, етакчи футболчиларнинг арзийдиган дублёрлари бўлиш ҳуқуқини киритиш учун соғлом рақобат вужудга келади, бунинг устига—энг муҳими—Қосимов билан Пятницкий терма команда тажрибасини, халқаро учрашувлар практикасини «Пахтакор»га олиб келадилар. Бунинг устига юқори босқичдаги турнирларда қатнашиш, моҳир футболчилар билан ёнма-ён тўп суриш, таниқли педагогларнинг маслаҳатлари қанчалик фойдали эканлигини ҳар бир спортчи билади.



«Пахтакор»—90:

ИШЛАР, ТАШВИШЛАР, РЕЖАЛАР

«Пахтакор»нинг янги тренери Федор Сергеевич Новиков ҳам мавсум олдидаги ҳар бир ўйинни эслайди. У Куйбишевда «Крылья Советов» командасида ўйнаб, спорт мастери бўлган вақтда бундай ўйинларнинг кўпини кўрган. Сўнгра Уфада, кейин яна Куйбишевда, Саратовда, Астраханда ишлади, унинг спорт соҳасида педагоглик истеъдоди РСФСРда хизмат кўрсатган тренер унвони билан тақдирланди. Ниҳоят Москвада ўз устози Константин Иванович Бесков билан биргаликда пойтахт «Спартак» командасининг шон-шуҳратини тиклаш ва мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилди. Новиковнинг шогирди — мамлакатдаги энг яхши дарвозабон Ринат Дасаев ҳам шу командада эди. Лекин инсон фақат ўтмиш билан тирик эмас — энди Федор Сергеевич 1990 йил қишидаги мана шу ўйинларни эслаб юради. Унинг «Пахтакор» командаси ишлари, ташвишлари, режаларини ўрганиш ана шу ўйинлар билан бошланди.

Хуллас, тренер, ветеран футболчи ва ёш спортчи бу ўйинларда биринчи бор иштирок этдилар. Командага янги келган спортчилар ҳақида алоҳида тўхталиш керак. Чунки мавсум арафасида командада юз берган асосий ўзгаришлардан бири унга ёш футболчилар, яъни Ўзбекистон футбол мактаби тарбияланувчилари қабул қилинганлигидир. Тажрибали спорт педагогининг фикрича, республиканинг етакчи командаси энг юксак намуналарни кўзлаб, Ўзбекистонда футбол тараққиётининг энг яхши анъаналарини акс эттириши ва айни вақтда республиканинг бутун футбол турмушига ҳаётбахш таъсир ўтказиши керак.

Шу муносабат билан «Пахтакор» устозлари Ўзбекистондаги барча футбол командаларини кўздан кечириб чиқишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйганликларини таъкидламоқчимиз. Бу «кўрик»ларни республиканинг етакчи командаси учун фақат резервлар излаш деб тасаввур этиш нотўғри бўлур эди. Бу «кўрик»лар биринчи навбатда Ўзбекистон футболининг анъаналарига, турли табақадаги командалар билан, бунинг устига ҳам тажрибали ўйинчилар, ҳам ўсмирлар, ҳам болалар билан ишлаётган жуда кўп спорт педагоглари ижоди ва меҳнатига самимий ҳурмат белгисидир.

«Кўрикка» ўттиз бир нафар ёш футболчи таклиф қилинди... Улардан қайсилари команда сафига қўшилади? Бу саволга жавоб қайтариш осон эмас. Чунки командага қабул қилиш учун фақат соф спорт фазилатларигина талаб қилинмайди — устозлар маслакдошлар коллективини тузадилар, бундай коллективда чинакам дўстлик ҳукмрон бўлиши керак.

Командининг имкониятлари ҳозир ҳам жуда юқори — ҳатто етакчи футболчилар группаси кетгандан кейин ҳам «Пахтакор» ҳар қандай рақиб билан муносиб беллаша олади. Унинг ишончли негизи мавжуд: командада ажойиб кекса авлод ўйинчилари ҳам, маҳорат чўққисини эгаллаётган спортчилар ҳам бор. «Пахтакор»га баъзан навбатдаги ўйинга руҳий жиҳатдан тайёргарлик кўриш... «кайфият» етишмай қоларди. Бир учрашув ажойиб, қизиқарли ўтса, иккинчи ўйин томошабинларнинг ҳафсаласини пир қилар эди. Шувчаки малакали ўйинчиларни танлаш эмас, балки чинакам аҳил команда вужудга келтириш, касбга чинакам меҳр қўйган ёшларни танлаш — мураббийларнинг асосий мақсади бўлди.

Команда «штаб»ининг ўзи ҳам ана шундай бирлик ва ҳамжиҳатликнинг ишонарли намунасига айланди. Ўзи раҳбарлик қилган коллективларни юқори босқичга олиб чиққан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер Виктор Васильевич Борисов, командани илмий жиҳатдан таъминлашни ўз зиммасига олган педагогика фанлари номзоди Аскар Имомжонович Толибжонов, Ўзбекистон футболининг ветерани Михаил Артемьевич Вартазаров Ф. С. Новиковнинг ишончли шерикларидир.

Лекин коллектив бирданига вужудга келмайди, анъаналар ва янгиликлар бир-бирига чатишиб кетгандагина аҳил ва ишончли футболчиларнинг арзийдиган дублёрлари бўлиш ҳуқуқини киритиш учун соғлом рақобат вужудга келади, бунинг устига—энг муҳими—Қосимов билан Пятницкий терма команда тажрибасини, халқаро учрашувлар практикасини «Пахтакор»га олиб келадилар. Бунинг устига юқори босқичдаги турнирларда қатнашиш, моҳир футболчилар билан ёнма-ён тўп суриш, таниқли педагогларнинг маслаҳатлари қанчалик фойдали эканлигини ҳар бир спортчи билади.

«Пахтакор» ҳозирнинг ўзидаёқ командининг янги раҳбарига боғлиқ бўлмаган вазият туфайли бўшаб қолган ўринларни мавжуд резервлар асосида нисбатан ишончли равишда тўлдириши мумкин эди. Лекин гап фақат моҳир ўйинчини танлаш ёки алоқаларни тиклаш тўғрисида бораётгани йўқ. Шу дақиқалардаги вазифаларни истиқболдаги вазифалар билан боғлай билиш керак. Худди шу ўринда турли авлод спортчиларининг дўстлиги ва алоқалари талаб қилинади.

«Пахтакор»нинг синовдан ўтган дарвозабони Александр Яновский билан унинг ёш шериклари — Тошкентнинг «Трактор» командасидан Герман Безденежних ва Қўқондаги «Автомобилчи» командасидан Евгений Рохалин ўртасида вужудга келган яхши алоқалар бунга мисол бўла олади.

Ветераналр — тренерлик фаолияти билан шуғулланиш ниятидан команда манфаатларини кўзлаб воз кечган Сергей Бондаренко, Геннадий Денисов, Мустафо Белялов ҳимоя чизиғини ташкил этувчи ёш спортчиларни ўз қанотлари остига оладилар.

Икки ўйинчини СССР терма командасига командировка қилаётган ярим ҳимоя ва ҳужум чизиғининг шаклланиши қийинроқ бўлади. Лекин бу ўринда ҳам ишончли таянч, истиқболли ёшлар тўғрисида гапириш мумкин. Марат Кабаев, Игорь Шквирин, Азамат Абдураимов, Сергей Ковшов, Андрей Микляевлар билан бирга «Шаҳрисабз»дан Рифат Галеев, Талгат Шейхамедов, Самарқанднинг «Динамо» командасидан ўтган Илҳом Шарипов, Замир Селимов, Улуғбек Рўзимовлар майдонга тушадилар...

Айрим футболчилар машқда ва контрол ўйинларда қайта-қайта синовдан ўтказилмоқда. Янги қабул қилинган футболчиларга улар мақсаднинг муштараклигини ҳис этишлари учун алоҳида эътибор берилмоқда.

«Пахтакор» хўжалик ҳисобидаги спорт футбол клуби таъсис этилгач, коллективда алоҳида муҳит ҳукм сурмоқда. Спортчиларга нисбатан талабчанлик ортаяпти — уларнинг тайёргарлигига, эҳтиёжларига, қизиқишларига катта эътибор берилмоқда. Чунончи, футболчилар клубнинг муштарак вазифаларига ўзлари қўшадиган ҳисса билан моддий таъминот ўртасида бевосита алоқа борлигини ҳис этдилар, аниқ-равшан ижтимоий кафолатлар пайдо бўлди. Ҳозирнинг ўзидаёқ йигирмага яқин футболчи шартнома тузди. Шартномада профессионал футболчиларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари аниқ белгилаб қўйилган, клуб манфаатлари баён этилган.

Шуниси диққатга сазоворки, хорижий шериклар ҳам профессионал клуб билан алоқа ўрнатишга уринмоқдалар. Чунончи, тошкентликлар расмий учрашувларда команда ҳомийси — Ғарбий Германиядаги «Гут брот» фирмаси эмблемаси тасвирланган формада қатнашадилар. Бир қанча маҳаллий корхоналар билан ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилмоқда.

— Ўзбекистондаги кенг жамоатчилик, спорт ташкилотларининг футболга муносабати бизни қувонтирмоқда, — деди Фёдор Сергеевич Новиков ЎзТАГ мухбирлари Т. Голубкина ва Е. Ефимовларга. — Биз машқ ўтказадиган ажойиб базамиз бор, тегишли ташкилотлар клуб эҳтиёжларини яхши англамоқдалар. Ҳаммамиз мавсумдаги асосий ўйинларни муносиб ўтказишни хоҳлаймиз.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

3-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

кенг профилдаги станокчи, силлиқловчи, электр-газ пайвандчи ихтисосликлари бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

Ўқишга қиз болалар, шунингдек, Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчларини ўтаб қайтган ёшлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганларга стипендия, ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи берилади.

Билим юртига Тошкент шаҳри ва республикамизнинг бошқа областларида яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини тамомлаганлар доимий ишлаш учун «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасига юборилади-лар.

Машғулотлар группаларнинг тўлишига қараб 1990 йилнинг февраль-март ойларида бошланади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: ариза, маълумот ҳақидаги аттестат, паспорт, 6 дона фотосурат (3х4 см). Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 50-алоқа бўлими, Гёте кўчаси, 54-уй (21, 49-автобусларнинг 3-ТПУ бекати: 16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти» бекати).

Телефонлар: 65-06-55, 65-06-54.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

10-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Якка буюртмаларни тикувчилар, кенг профилдаги сартарошлар, қандолатчилар, ошпазлар, холодильник тузатиш слесарлари, озиқ-овқат моллари сотувчилари, умумий овқатланиш кассир-контролёри.

Билим юртига 9—11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ёшдан ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1—1,5 —3 йил.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, соғлиғи ҳақида справка, тўрар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, таржиман ҳоли, характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Билим юрти адреси: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, 1/2 Қора-Қамиш массиви, 20-уй (42, 43э, 56, 93-автобуслар, 19, 27-трамвайларнинг «Мактаб», 7, 10-троллейбусларнинг охирги «1/4-Қора-Қамиш» массиви, 82-автобуснинг «1/4-Қора-Қамиш» бекатлари.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

ҲУРМАТЛИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДАГИ

12-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

кенг ихтисосли тракторчи-машинист (ремонт қилиш слесари ва автомобиль ҳайдаш билан), **чорва молларига ветеринар ишлов бериш операторлари, асаларичи, чорвачилик ферма ва комплексларида сут маҳсулотларини ҳисобга олиш ва химиявий бактериологик анализ қилиш лаборантлари.**

Билим юрти 1962 йилдан буён қишлоқ хўжалигида ишлаш учун малакали кадрларни тайёрлаб келмоқда.

Малакали ишчилар тайёрлаш учун билим юртида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Ўқув кабинетлари барча замонавий асбоб-ускуналар, кўргазмали қуроллар ва техникавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Танланган касбингиз бўйича барча ўқув қуроллари мавжуд бўлиб, касбингизни пухта эгаллашга имкон беради. Барча ўқувчилар стипендия, тўрт маҳал бепул иссиқ овқат, кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, фото тўгараги, футбол, волейбол, баскетбол, кураш, бокс, стол тенниси мунтазам ишлаб туради.

Алоҳида футбол майдони, отиш тири мавжуд.

Ўқиш давомида ўқувчилар Ватанимизнинг гўзал ва қаҳрамон шаҳарларига экскурсияга борадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН ТУГАТГАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ЎҚИШГА КОНКУРССИЗ КИРИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛАДИЛАР.

Ўқиш муддати — 3 ва 1 йил.

Кенг ихтисосли тракторчи-машинист (ремонт қилиш слесари ва автомобиль ҳайдаш билан) группаларига фақат 8-синфни битирган ўқувчилар қабул қилинади.

Қолган мутахассисликлар бўйича 3 йиллик группаларга 8-синфни битирган ва 1 йиллик группаларга 10-синфни тугатган йигит ва қизларни имтиҳонсиз қабул қилади.

ЎҚИШ 1-СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, 8 ёки 10 синфни битирганлиги ҳақида шаҳодатнома, турар жойидан справка, 6 дона 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат, медицина справкаси (086-форма), туғилганлик ҳақида гувоҳнома.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент область, Оржоникидзе райони, «Геофизика» посёлкаси.

Тошкент шаҳрида 1, 16, 24-автобусларнинг «Троицкий муюлиши» бекатигача борилади. Горький метро станциясидан 63-автобусда охирги бекатигача.

6 ОЙДА КАСБ ЭГАЛЛАЙСИЗ

19-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА ЎҚИШГА КИРСАНГИЗ ТУНУКАСОЗ, ҚОЛИПЛОВЧИ, ШТАМПОВКАЧИ, МЕТАЛЛ ҚИРҚУВЧИ, АСБОБ-УСКУНАЛАР РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ-ЭЛЕКТРИК, КЎПРИК КРАНЛАРИНИНГ МАШИНИСТИ, ФРЕЗЕРЧИ, ПАРМАЛОВЧИ, АСБОБСОЗ-СЛЕСАРЬ КАСБЛАРИНИ ЭГАЛЛАБ ЧИҚАСИЗ.

Ўқишга Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган, 10-синф маълумотидаги Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида яшовчи йигитлар қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАРНИНГ ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700077, Тошкент шаҳри, Владимир переулоги, 15-уй (17, 18-троллейбуслар; 4, 17, 24, 63, 71, 83-автобуслар; 6, 13, 22-трамвайларнинг «Партия мактаби» бекати).

Маълумотлар учун телефон — 68-48-96.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

14, 15, 16 февраль соат 19.30 да

«ОЛАМНИ САҚЛАНГ, ДЎСТЛАР»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти

НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА

Солистлар: РОЗА ҚУЛДОШЕВА ва ДАДАХОН ҒАНИЕВ.

Концертни сўз устаси МАШРАБ НАЗАРОВ олиб боради.

Билетлар соат 11.00 дан сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

2 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ

СОВЕТ ЦИРКИ ВА «ВАРШАВА» ПОЛЬША ЦИРКИ

ЕТАКЧИ УСТАЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ

КАТТА РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММА.

Томошалар — иш кунлари — соат 19.30 да; шанба куни — соат 16, 19.00 да; якшанба кунлари — соат 12, 15, 18.00 да бошланади.

Касса дам олиш кунисиз ишлайди, у соат 10 дан 20.00 гача очиқ.

ЦИРК ФОЙЕСИДА ФОТОСАЛОН ИШЛАЙДИ.

Билетларни олдиндан барвақт сотиб олишни унутманг. Маълумотларни олиш учун телефонлар — 44-35-91, 44-29-04, 44-35-84.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА БОШ БУХГАЛТЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг

ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ

газеталарда эълонларни босиб чиқариш юзасидан маъмурият томонидан имзоланган

ХАТ-БУЮРТМАЛАРНИ

ТЎҒРИ РАСМИЛАШТИРИШНИ СЎРАЙДИ

Хат-буюртмада ҳисоб-китоб-счёт номери, давлат банкининг номери ва мазкур ташкилот мулоқотда бўлган банк (МФО)нинг коди кўрсатилмоғи шарт.

ХАТ-БУЮРТМАЛАР БАНК РЕКВИЗИТЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ.

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ МАҚСАДИДА

«ТАШСЕЛЬМАШ» АВТОСТАНЦИЯСИДА

«ЧИМЁН» ДАМ ОЛИШ ЗОНАСИГА

ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИГА ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАСИ

ОЧИЛДИ

Йўловчиларнинг хоҳишига биноан билетларни икки ёқлама сотиб олиш мумкин.

Олдиндан билет сотиш кассаси шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 8.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун 68-29-53 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АВТОВОКЗАЛЛАР ВА АВТОСТАНЦИЯЛАР БИРЛАШМАСИ.

«ЭЛЕКТРОНИКА»

Тошкентдаги «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ МАГАЗИН-САЛОНИ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

ТЕРИ ОРҚАЛИ ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ЧЭНС-2М ЭЛЕКТРОНЕЙРОСТИМУЛЯТОР.

Бу оғриққа қарши ишлатиладиган компактли қулай прибор — бош оғриқлари, невралгия, артрит, бод, сурункали бронхит, ОРЗларни даволашда ёрдам беради.

Приборнинг баҳоси — 26 сўм 40 тийин.

АВТОҲАВАСКОРЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

МАГНИТ ДИСКАЛИ ҒОЯТ САМАРАЛИ ТОЗАЛОВЧИ ФИЛЬТР.

ФТМ — бу тоза ёнилғида 2500 км. йўл босиш деганидир.

Мазкур фильтр ёқилғини механик ифлосланишлардан тозалаш учун мўлжалланган.

Баҳоси — 3 сўм.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Агарда Сиз мой аксини кўрсатувчи ёпқич (колпачки)-ларни харид қилсангиз ва ўрнатсангиз машинангиз двигателининг умри узаяди, кам мой сарфлайди, заҳарли тутунлар кам чиқади, тутамайди.

Баҳоси — 10 сўм.

Бизнинг адрес: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй.

Телефон: 33-78-34.

ДИҚҚАТ!

СССР Транспорт қурилиши министрлигининг «ТРАНССИГНАЛСТРОЙ» трестига қарашли 820-ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ПОЕЗДИ

7 тонналик «МАЗ-53-34» ёнилғи қуйиш автомашинасини «ГАЗ-2410 «ВОЛГА» автомашинасига алмашишни ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Маълумотлар олиш юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин:

700074, Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Маҳзуна кўчаси, 1-тупик, 14-«а» уй.

Телефонлар — 96-58-70, 96-72-51, 96-72-30, 96-74-12.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/II да **Корнолён** (19.00), 3/II да **Мирзо Улуғбек** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/II да **Муҳаббат навоси**, 3/II да **Ака-ука совчилар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/II да **Паранжи сирлари** (19.00). 3/II да **ШАНБА ОҚШОМИ: Майсаранинг иши, Драма актёрлар куйлайди, Фармонбиби аразлади (16.00).**

КИНО

2 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Восток — «ЖОДУЛАНГАН ДОЛЛАР». (17.10, 20.30).

Москва — «КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА» (18.20, 20.40).

Чайка — «НАВИГАТОРНИНГ ПАРВОЗИ» (тоқ соатларда).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «НАВИГАТОРНИНГ ПАРВОЗИ» (жуфт соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА (18.30, 21.00).

3, 4 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Восток — «СЕВГИН ВА ИШОН» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Москва — «КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА» (11, 13.30, 16, 18,30, 2.40).

Чайка — «НАВИГАТОРНИНГ ПАРВОЗИ» (тоқ соатларда)

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (жуфт соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00)

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ПОЛЬШАНИНГ «ВАРШАВА» ЦИРКИ ВА СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (19.00)ү.

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР, КООПЕРАТОРЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент ихтисослашган ҳисоблаш техникаси ва информатика корхонаси **буюртмачи учун энг қулай вақтда**

СМ-1420,08 базасидаги АРМ-2-01.04 да

МАШИНА ВАҚТИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Комплекс таркибига АП-7251 графатузгич СМ-6404 графа маълумотларини қабул қилувчи қурилма, СМ-7316.01 графа экран пульти.

Бизнинг адрес: 700043, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 9-уй.

Телефонлар — 77-69-75, 77-62-07.

«Спорт моллари» республика улгуржи-чакана савдо бирлашмаси маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари бирлашма бош бухгалтери А. М. Раҳмоновга отаси

Малик РАҲМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент политехника институти ректорати, партия комитети, жамоат ташкилотлари ва умумий техника факультетининг физика кафедраси коллективи шу кафедра ассистенти Д. Тошкенбоевага турмуш ўртоғи

Обид ЖУМАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Октябрь ноҳиясининг даволаш-профилактика бирлашмаси ходимлари 22-поликлиника бош врачи М. С. Шоалимовага умр йўлдоши

Ҳамдам Шособирович ШОАЛИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 03082.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.